

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Кўлёзма ҳукуқида  
УДК:658: 6П9.85 (575.1)**

**БАҚОЕВ САРДОР ҚАҲРАМОНОВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕМОЛ  
ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**(“Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамияти материаллари асосида)**

**5А230102 - Иқтисодиёт (реал сектор) мутахассислиги бўйича**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Р.Хакимов**

**ТОШКЕНТ – 2017**

Ушбу магистрлик диссертация ишида саноат корхоналарида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган. Ўзбекистон Республикасида халқ истеъмол товарлари, “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси таҳлил қилинган. “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари тизимлаштирилган. Магистрлик диссертацияси ишида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation scientifically proved proposals are given in order to solve the problems of increasing the value production in the industrial enterprises and providing stability of production of goods. Some proposals shown scientifically substantiated example Joint-Stock Company “Toshkent yog’-moy” and analysed the dynamic of production in this company. In order to achieve that the following has been done: it has been studied the theoretical and methodological bases of increasing the value production in the oil industry and providing stability of production of oil-fat goods; it has been analysed the indicators of value production and economic results in this sector; it has been defined the main directions increasing the value production and providing stability of production of goods in oil industry enterprises.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. \_\_\_\_ - сонли баённома «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Р.Хакимов \_\_\_\_\_

Магистратура талабаси: С.Қ. Бақоев \_\_\_\_\_

**“Ҳимояга рухсат этилади”**

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

мудири доц. И.Хотамов \_\_\_\_\_

“\_\_\_\_\_” “\_\_\_\_\_” 2017 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида

2017 йил “\_\_\_\_\_” соат “\_\_\_\_\_” да бўлади.

## МУНДАРИЖА

	<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ.</b>	<b>Иқтисодий самарадорликнинг назарий ва услугий асослари.....</b>	<b>13</b>
1.1.	Иқтисодий самарадорликнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.....	13
1.2.	Иқтисодий самарадорликни кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.....	18
	<b>Биринчи боб бўйича хulosалар.....</b>	<b>26</b>
<b>II БОБ.</b>	<b>Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой саноатини ривожланиш динамикаси таҳлили.....</b>	<b>28</b>
2.1.	Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой саноатини ривожланиши.....	28
2.2	«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили.....	43
2.3.	«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳили.....	55
	<b>Иккинчи боб бўйича хulosалар.....</b>	<b>71</b>
<b>III БОБ.</b>	<b>«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари.....</b>	<b>72</b>
3.1.	«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	72
3.2.	«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида ходимларни моддий рафбатлантириш.....	76
3.3.	«Тошкент-ёғ-мой комбинати” акционерлик жамиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари .....	84
	<b>Учинчи боб бўйича хulosалар.....</b>	<b>92</b>
	<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>94</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>99</b>

## **Кириш**

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўпайтириш, аҳолининг уларга бўлган талабини сифатли ва тўла қондиришдир.

Ушбу вазифани мувафақиятли бажариш жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг истисодий самарадорлиги тармоқни бозор муваффақиятли фаолият юритишни таъминлайди. Ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар билан таъминлаш учун зарур шаротларни яратади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда чуқур таркибий ўзгартиришларга алоҳида эътибор берилди. Мустақилликача бир томонлама ривожлантирилган, асосан хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг таркиби янги, бозор иқтисодиёти талабларига мос келмай қолди. Иқтисодиётда саноат тармоқларини ривожлантириш заруратини ҳаётнинг ўзи объектив равищда талаб қилди. Натижада пухта ўйланган, кейинчалик тараққиётнинг “ўзбек модели” деб ном олган дастурий ислоҳотлар амалга оширилди. Олиб борилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди. Саноатни диверсикациялаш стратегиясининг натижасида янги саноат тармоқлари ташкил этилди ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 14,1 фоиз эди. Мустақиллик натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган кўплаб саноат корхоналари турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишди. Саноат корхоналари фаолиятининг тўхтатилишига асосий сабаб собиқ иттифоқ

даврида ўрнатилган хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши натижасида бутловчи қисмларни олиш имконияти бўлмай қолди.

Мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улушкини 2016 йилга келиб 32,9 фоизга етди. Саноатни истиқболга ривожлантириш вазифаси кун тартибидаги энг муҳим иқтисодий вазифалардан саналади. 2030 йилга бориб саноатнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушкини 40 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.<sup>1</sup>

Саноат тармоқларини умумий ривожлантириш ўз навбатида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш саноатини ҳам ривожлантиришни назарда тутади. Ўзбекистон Республикасини кейинги беш йилда ривожлантириш зуруратидан келиб чиқиб, 2017 йилнинг 7 февраляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ- 4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унинг қабул қилинишининг асосий мақсад ва зурурати қуйидагича белгиланган.

“Мустақиллик йилларида мамлакатда хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносаб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

замон талабларидан келиб чиқкан ҳолда, олдимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси турган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий сұхбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маъruzалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.”<sup>2</sup>.

Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси ҳаётининг ҳамма томони 2021 йилгача қандай ва нималар эвазига ривожланишининг асосий йўналишлар ва кўрсаткичлари белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида эътибор халқ истемол таварлари ишлаб чиқариш саноатининг ривожланишига ва аҳолининг турмуш даражасининг сифатини ошириш масалаларига қаратилган. Аҳоли истеъмол қиласиган товарлар ичидаги ёғ-мой маҳсулотлари алоҳида ўринга эга. Бу маҳсулотларсиз аҳолининг турмуш шароитини яхши бўлишини тасаввур этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ёғ-мой саноати етарли даражада яхши ривожланган. Бугунги кунда республикада 23 та йирик ёғ-мой акционерлик жамиятлари бўлиб, ундан ташқари 42 та кичик ёғ ишлаб чиқарувчи цехлар ҳам мавжуд. Шундай катта қувватга эга саноат потенциали бўлишига қарамасдан республикада ёғ-мой ишлаб чиқариш бўйича жиддий ўсишга эриша

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ- 4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйич Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль 28 (6722)-сони.

олмаяпмиз. Бунинг асосий сабаби ёғ-мой етиштириш учун унинг хомашё базасининг камайиб бораётганидадир. Иккинчидан ёғ-мой олиш учун хом ашё базасининг таркиби ҳам ўзгармоқда. Бу эса янги кўплаб муаммоларни юзага чиқаради. Жумладан, мавжуд ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг техника ва технологияларини ўзгартириш зарурати келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида ёғ-мой саноатига йирик инвестицияларни киритишни талаб қилади. Бу инвестицияларни топиш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш жуда мураккаб масала ҳисобланади.

Албатта иқтисодий масалаларни ечимини топиш саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигининг юқори бўлиши фойдасидан катта маблағларни ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларини ўзгартиришга, ишчи ходимларни моддий рағбатлантиришни яхшилашга, давлат бюджетига солик ва мажбурий тўловларни тўлашга асос бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шаротида, айниқса рақобат муҳитида фаолият юритиши учун корхона фойда билан ишлаши хал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқоридагилар ушбу мавзуни магистрлик диссертацияси ишининг мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

**Магистрлик диссертация ишнинг мақсади.** «Тошкент ёғ-мой» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидир.

**Магистрлик диссертацияси ишнинг вазифалари.** Магистрлик диссертацияси ишнинг мақсади кенг қамровли масалаларни ўз ичига олганлиги сабабли уни бир тадқиқот иши доирасида ҳар томонлама чукур ўрганиш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли магистрлик диссертацияси ишнинг олдига қуидаги вазифалар қўйилди ва ечилади:

- Иқтисодий самарадорликнинг моҳиятини очиб берилди;

- “Тошкент ёғ-мой” акционерлик жамиятида иқтисодий самарадорликни аниқлаш усуллари тизимлаштирилди;
- Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси таҳлил қилиниб, уни ривожланиш тенденциялари аниқланди;
- “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб динамикаси таҳлил қилинди ва уни кўпайтириш захиралари аниқланди;
- “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омиллар тизимлаштирилди;
- “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишлари аниқланди;

**Магистрлик диссертацияси ишнинг предмети.** Магистрлик диссертацияси ишнинг предмети “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини шалкланиш жараёнида юзага келадиган ишлаб чиқариш муносабатлари ҳисобланади.

**Магистрлик диссертацияси ишнинг обьекти.** Магистрлик диссертацияси ишнинг обьекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамияти танланди.

**Магистрлик диссертацияси ишнинг мавзусини ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий самарадорлик масалаларига жуда кўплаш иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Хорижий давлатлар олимларидан Ольховик Наталья Михайловна (Повышение экономической эффективности производства и переработки подсолнечника в Оренбургской области на основе инноваций.), Королькова Наталья Владимировна (Организационно-экономические основы повышения эффективности производства и переработки подсолнечника (На материалах Пензенской области), Кудряшова Юлия

Николаевна (Повышение эффективности производства и переработки маслосемян подсолнечника (На материалах Самарской области), Яшина Марина Львовна (Повышение эффективности производства и переработки семян подсолнечника (На материалах Ульяновской области).

Юқоридагилардан ташқари ёғ-мой саноати ни бозор иқтисодиёти шароитида самарадорлигини ошириш масасалари устида қуйидаги олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бочкарев Н.И., Бражник В.П., Васильева Д.С., Васютина А.С., Гончарова В.Д., Заслонкина В.Т, Карташова Е.Р., Марина В.И. ва бошқалар.

Уларнинг ишларида ёғ-мой саноатининг ресурс потенциали, маҳсулотлар таннархи, маҳсулотларни сотиш сиёсати каби масалалар ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлардан иқтисодий самарадорликнинг назарий вва амалий масалалraigа оид кўплаб олимлар ўз тадқиқотларини бағишлиланган. Уларнинг жумласига академиклар Ким В.В., Шарифходжаев М.Ш, Искаедаров И.И., Ғуломов С.С, Ғуломов С.С., Усманов С.Н., Джалилов Х.М., Хикматов О.Х., Убайдуллаева Р.У., и.ф.д, профессорлар Шокиров А.А., Каюмов Ф.Қ. Абдуғаниев А.А., Беркинов Б.Б., Шодиев Т.Ш., Хасанжонов Қ.Х., Хусанов Р.Х, Шодмонов Ш.Ш., Ортиқов А.О., Махмудов Э.Х., Хамдамов Қ.С. ва бошқа кўплаб олимларни киритиш мумкин. Шу билан биргаликда бевосита ёғ-мой саноати итқисодиётини самарадорлигини ошириш масаласига оид қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати иқтисодий самарадорлигини оширишнинг айrim масалалари А.А.Алиев, И.И.Кадъфов, С.А.Аблятифов, К.Ф.Мадрахимов, Р.У.Асатов, А.М.Турсунова каби олимлар томонидан ўрганилган. Айниса Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати иқтисодиёти билан Дадажанова М.М. на чуқур шуғилланган ва “Ўзбекистон ёғ-мой саноатида самарадорликни

ошириш йўллари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Аммо бу илмий ишлар 1995-2014 йилларда амалга оширилган бўлиб, ҳозирги даврдаги кўплаб ҳуқуқий ва ижтмоий-иқтисодий ўзгаришларни ўзида акс эттиргмаган.

Юқоридаги ҳолатлар “Саноат корхоналарида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш (“Тошкент – ёғ-мой” акциядорлик жамияти материаллари асосида) номли мавзуни магистрлик диссертацияси тадқиқоти сифатида танлашга асос бўлди.

**Магистрлик диссертацияси ишининг илмий янгиликлар элементлари.** Магистрлик диссертацияси ишининг илмий янгиликлар элементларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти, унинг ижтимоий жиҳатлари билан яқин олақада ўрганилди. Ижтимоий самарасиз фақат иқтисодий самарадорлик аҳоли манфаатларига мос тушмаслик фикри олдинга сурилди.;
- “Тошкент ёғ-мой”акционерлик жамиятида иқтисодий самарадорликни аниқлаш усууллари тизимлаштирилди. Бунда «Тошкент ёғ-мой”акционерлик жамияти ишчи ходимларининг иш ҳақининг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан белгиланиши шарт эканлиги кўрсатилди;
- “Тошкент ёғ-мой”акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошўиришни таъминловчи омиллар тизимлаштирилди;
- “Тошкент ёғ-мой”акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари белгиланди. Жумладан, мамлакат ёғ-мой саноати ни иқтисодий самарадорлигини ошириш фақатгина пахта хомашёси ва унинг чигитини кўпайтириш эмас балки соя,

зайту, масхар, кунгабоқар каби мойли экинлар экинши кўпайтиришда эканлиги кўрсатиб ўтилди.;

**Магистрлик диссертацияси ишининг назарий ва амалий аҳамияти.** Магистрлик диссертациясида ўрганилган масалалари Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноатида иқтисодий самарадорликни ошириш масалаларини ўзида акс этирганлиги сабабли, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида ёғ-мой саноатининг иқтисодий самарадорлигининг назарий масалаларини чуқур англаш талаб қилинади. Ана шу масалани моҳиятини тушунишда ушбу магистрлик диссертацияси иши ўз ҳиссасини қўшади. Чунки унда иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг моҳияти тўғрисида иққисодичи олимлар билдиран фикрлар умумлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар тизимлаштирилган. Ишда уларни аниқлаш усуллари ёритилган. Магистрлик диссертациясида келтирилган назарий билимлардан иқтисодичи кадрларни тайёрлашда ўтиладиган мутахассислик фанларида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертацияси ишининг амалий аҳамияти унда амалга оширилган таҳлиллар натижасида “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида иқтисодий самарадорликка таъсир қилувчи олимлар тизимлаштирилган. Уларнинг энг асосийлари бўйича аниқ кўрсаткичлар ўрганилганлигидадир. Магистрлик диссертацияси ишида олинган хулоса ва таклифлардан “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида фойдаланиш унинг иқтисолдий самарадорлигини оширишга олиб келиши мумкин.

### **Магистрлик диссертацияси ишининг асосий қисқача мазмуни.**

Магистрлик диссертацияси иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертацияси ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарбилиги, ишнинг мақсад вазифалари, предмети ва объекти, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ҳамда илмий янгиликлар элементлари ёритилган.

Магистрлик диссертацияси ишнинг биринчи боби “Иқтисодий самарадорликнинг назарий ва услубий асослари” деб номланиб, унда иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг моҳияти ва иқтисодий барқарор ривожланишдаги аҳамияти ёритилган. Алоҳида эътибор иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, жумладан, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, фойда ҳажми, фойдалилик даражаси, яъни рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усулларига қаратилган.

Магистрлик диссертацияси ишнинг иккинчи боби “Ўзбекистон Республикасида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили” деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой саноати тармоғининг ривожланиш динамикаси ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш динамикаси ёритилган. Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой ишлаб чиқариш динамикаси таҳлил этилган. “Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили қилинган. Ушбу бобда “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили амалга оширилган. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлил этилган.

Магистрлик диссертацияси ишининг учинчи боби “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари деб номланиб, унда “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш истиқболлари ёрилтилган. “Тошкент ёғ-мой комбинати”

акциядорлик жамиятида меҳнат унумдорлигин ошириш йўллари ўрганилган. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулот таннархини пасайтириш ва рентабелликни ошириш йўналишлари белигилаб берилган.

Магистрлик диссертацияси ишининг ҳар бир бобдан кейин қисқача хулосалар берилган.

Олиб борилган тадқиқот, амалга оширилган таҳлил натижасида тегишли хулосалар олинган. “Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Магистрлик диссертацияси ишнинг тузилиши ва таркиби.** Тадқиқиотнинг кириши, мазмунан ўзаро боғланган учта боб, хулоса, 71 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик диссертация ишида жами 13 та жадвал ва 5 чизмадан фойдаланилган.

## **I-БОБ. Иқтисодий самарадорликнинг назарий ва услубий асослари**

### **1.1. Иқтисодий самарадорликнинг тушунчаси, моҳияти ва ахамияти**

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, калажакда эса, уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда икки хил омил: миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи (узайтирувчи) ва зўр берувчи, кучайтирувчи омиллар ҳаракатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади.

Ўзбекистон саноатида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда. Самарадорлик энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил соҳаларида жуда кенг ишлатилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқишиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги ва ҳоказолар.

Самарадорлик саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг «кўзгуси» ҳисобланади. Бу «кўзгуда» ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Бунинг учун маълум харажатлар қилади. Ана шу фойда билан харажатлар ҳафтасидаги фарқ тармоқ ва корхона фаолиятининг «кўзгуси» бўлган самарадорликда кўзга ташланади. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтиришданиборат.

Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликтини, фойдалиликни тақазо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб, кўп натижага эришиш зарур.

Самарадорлик - бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум микдорда харажат қилиш керак.

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

$$C = \frac{\text{Натижа}}{\text{Харажатлар}}$$

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини фарқлайдилар. Самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий турларга бўлиш шартли бўлиниш ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлган натижаларнинг ҳаммасини иқтисодий ва маълум маънода, ижтимоий самара деб айтиш мумкин.

Бу ерда: шуни эслатиб ўтиш керакки, иқтисодий ва ижтимоий тушунчаларнинг сунъий бўлиши ҳақида баҳслашиш мумкин. Лекин, иқтисод ижтимоий хаётдан ташқарида бўлмагани каби, ижтимоий ҳаёт ҳам иқтисодсиз бўлмайди. Демак, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки амалга оширилган ҳар бир иш айни вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиради.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш — бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижаси. Иқтисодий самара — материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган микдор. У вақтни тежаш, курилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш иш вақтининг зое кетишини камайтириш, маблағлар оборотини тезлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ўстириш, ишлар сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади.

Ижтимоий самарадорлик шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирларни амалга ошириш самарадорлигини ифодалайди. У меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади ва асосий озиқ-овқат, саноат товарларининг аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган нафақа ва имтиёзлар, кадрлар тайёрлаш бўйича харажатларнинг ўсиши билан тавсифланади.

Ушбу самаралар ишлаб чиқаришнинг ўзида вужудга келаётганини ва бирлашиб бажарилган меҳнат туфайли ишловчилар ўртасидаги муносабатлар таърифланишини назарда тутсак, уларни ижтимоий-иқлисодий самара деб атасак бўлади.

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти унинг мезони ва кўрсаткичлар тизимида акс этади.

Ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган ҳаражатларни камайтириш керак. Демак, самарани ўлчаганда мезон сифатида жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлигини ошириш қабул этилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий (мутлок) самарадорлиги деганда, ҳаражатлар ва ресураларнинг айрим турлари билан солиштирилган ёки таққосланган иқтисодий самаранинг умумий миқдори тушунилади.


Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги ҳаражатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман, халқ хўжалиги бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш обьектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш ҳаражатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йигимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишига асосланади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси хилма-хил, бир-бирига боғлиқ бўлган омиллар таъсирида ташқил топади ва шаклланади. Ҳар бир комплекс, тармоқ ва корхона учун унинг техник-иктисодий хусусияти сабабли самарадорликни оширишнинг ўзига хос омиллари мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини иккига бўлиш мумкин. Биринчиси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорли, иккинчиси ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлиги. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги деганда энг кам ҳаражатлар билан энг юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришишни тушинамиз. Яъни энг кам ҳаражат билан унинг неатижасида олинган дарамад ёки фойда энг кўп юўлган ҳолатга истисодий самарадорлик юқори дегин хуносага келамиз. Бошқача айтганда иқтисодий самарадорлик бу бир

бирлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланган энг кам жами харажатларда ўз ифодасини топади.

Ишлаб чиқариш учун нафақат иқтисодий балки ижтиомий самарадорлик ҳам жуда муҳим. Ижтиомий самарадорлик деганда ишлаб чиқариш натижалари алоҳида олинган инсоннинг ва жамиятнинг ижтиомий манбаатларига мос келишини тушунамиз.



### 1.1.1-чиズма. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги турлари

Манба: Муаллиф ишланмаси асосида тайёрланган.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги тушунчаси иқтисодий ўсиш тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий ўсиш мамлакат ёки тармоқ ёки корхонанинг ўтган даврга нисбатан ялпи ички маҳсулоти (ялпи маҳсулоти) қанчага ўсганлигини кўрсатади. Бу кўсаткич абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ёрдамида аниқланиши мумкин. Бу кўсаткич умуман ёки аҳоли жон бошига ҳисобланиши амалийтга қабул қилинган.

Иқтисодий самарадорлик эса ишлаб чиқаришнинг натижавийлигини ифодаловчи категориядир. У иқтисодий қандай темплар билан ўсаётганлигини ифада этмайди. Балки олинган натижа қандай сафрлар, харажатлар, ресукрслар эвазига олинганлигини кўрсатади. У иқтисодий ҳаётнинг сифати жиҳатини акс эттиради. Иқтисодий самарадорлик

барқарор бўлиши талаб қилинади. Акс ҳолда ишлаб чиқариш субъетлари банкротликка учраши мумкин. У объектив бўлиб, иқтисодий қонун хусусиятларини ўзида акс эттиради. Уни айрим иқтисодчилар ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш қонуни ҳамдеб аташади. Бу иқтисодий барқаролрликнинг асоси саналади ва ҳар бир давлат, тармоқ ва субъект иқтисодий самарадорликни тизимли равишда аниқлаши ва уни таҳлил этиши шарт. Мавжуд омилларни ўрганиб, уни оширишга ёрдам берадиган захираларни аниқлаб, ишлаб чиқаришга жалб этиш талаб қилинади.

Шундай қилиб, иқтисодий самарадорлик иқтисодий категория аржасидан иқтисодий қонун даражасига ўсиб борган феномен ҳисобланади ва унга эътибор бериш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

## **1.2. Иқтисодий самарадорликни кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари**

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиётнинг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала – мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Лекин, турли ижтимоий-иктисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг

асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини олинган фойданинг ( $\Phi$ ) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатларига (ИХ) нисбати билан аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг бош мезони ҳақида ҳам бир қанча фикрлар мавжуд. Айрим олимлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мезони фойда, бошқа бирлари эса ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, учинчилари миллий даромад, тўртинчилари эса қўшимча маҳсулот деб кўрсатадилар. Биз ҳозир бу ерда фикрларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида батафсил тўхтолмаймиз, лекин шуни айтиш керакки, кўпчилик олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида самарадорликнинг бош кўрсаткичи олинган фойданинг харажатларга нисбати, яъни рентабеллик ёки фойдалилик даражаси билан белгиланади деб тан олинади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, бу айтилган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равища ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ифодалашда унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини билдирадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Булардан бири меҳнат унумдорлигидир. Меҳнат унумдорлиги деб ишчи қучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдорига нисбати билан белгиланади. Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва х.к. билан белгиланади. Агар меҳнат унумдорлигини МУ, маҳсулотни М билан, сарфланган иш вақтини В билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

## **М<sub>у</sub> = М<sub>х</sub> / В**

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига яъни киши куни, киши соати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги деган кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади ва унда ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда билан аниқланади.

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сифими, материал сифими, энергия сифими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган, ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди. Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги харажатлар ва ресурсларнинг айrim турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман, халқ хўжалиги бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш обьектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш харажатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йигимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишига асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг меҳнат сифими, материал сифими, фонд сифими, капитал сифими киради.

Маҳсулотнинг сермеҳнатлилиги - муайян турдаги маҳсулотни (масалан, битта тракторни, костюмни ёки кўйлакни) ишлаб чиқаришга сарф бўлган иш вақти миқдорини ифодаловчи кўрсаткичdir.

Меҳнат сифимининг уч тури бўлади: технологик, тўла ва халқ хўжалиги меҳнат сифими. Меҳнат сарфини ҳисобга олиш жиҳатига қараб, у

яна уч турга: режали меҳнат, норматив меҳнат ва хақиқий (амалдаги) меҳнат сифимларига бўлинади.

Меҳнат сифими бевосита сарф (асосий ҳодимлар сарф қилган меҳнат) бўйича, тўла сарф (ёрдамчи ҳодимлар сарф қилган меҳнат) бўйича ҳамда умумий ижтимоий маҳсулот ёки миллий даромад қийматига нисбати билан белгиланади. Айрим комплекслар ва уларнинг тармоқларида, корхоналарда эса, моддий сарфлар микдорининг қийматига нисбатан белгиланади:

$$M_C = \frac{M_x}{T_{Mx}}$$

Кўпинча амалиётда меҳнат сифимининг бошқача маъносини билдирувчи меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ ) кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$M_y = \frac{T_{Mx}}{M_x}$$

Меҳнат унумдорлиги - инсон меҳнатининг муайян вақт ичida озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқаришнинг материал сифими — маҳсулот (иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш) бирлигига кетадиган ва унда ифодаланадиган моддий ресурслар (хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сотиб олинадиган бўтловчи буюмлар ва яримфабрикатлар, ёқилғи ва энергия) ялпи сарфини тавсифловчи кўрсаткичидир. У қуйидаги формула ёрдамида ифодаланади:

$$M_C = \frac{M_p}{T_{Mx}}$$

Ишлаб чиқаришнинг фонд талаблиги маҳсулот бирлигига (натурал ёки қиймат доирасида) тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фонdlарини тавсифловчи кўрсаткичидир. Фонд сифими ( $F_C$ ) асосий ва айланма фонdlардан фойдаланишининг самарадорлигини кўрсатади ва бу фонdlар ўртача йиллик қийматининг ( $\Phi$ ) маҳсулот ҳажмига ( $M_x$ ) нисбатини ифодалайди:

$$\Phi_C = \frac{\Phi}{Mx}$$

Бу мидқорнинг тескариси фонд самараси (натижаси) ёки фонд қайтими ( $\Phi_K$ ) деб юритилади ва қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Phi_K = \frac{Mx}{\Phi}$$

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолашда капитал қўйилмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ишлаб чиқариш фондларини қайта такрор ишлаб чиқаришнинг янги асосий ва айланма фондларини яратиш учун зарур бўлган жамғарма фондлари самарадорлигини тавсифлайди. Бундай кўрсаткичлардан энг муҳими капиталталаблик ёки капитал сифими ҳисобланади. Бу кўрсаткич ( $K_C$ ) капитал маблағлар ( $K$ ) ёрдами билан тайёрланган маҳсулотнинг кўпайган қисмига нисбати билан ифодаланади:

$$K_C = \frac{K}{\Delta Mx}$$

Юқорида келтирилган ва бошқа бир қатор табақалаштирилган (дифференцияланган) кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш ва ташқил этишда муҳим ўрин эгаллайди, харажатлар ва ресурслар асосий турларининг қайтариб берилишини тавсифлайди. Лекин, факат бу кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўзгаришига баҳо бериш қийин, чунки улар ўзгаришнинг характеристи ва динамикасини таққослай олмайди. Ундан ташқари, баъзи даврларда улар ҳар хил йўналишда ўзгарадилар. Масалан, саноатда меҳнат унумдорлиги жуда секинлик билан ошмоқда.

Иқтисодий самарадорликни режалаштириш ва таҳлил этиш нафақат харажат ва ресурслар асосий турларидан фойдаланиш даражасини таҳлил этишни, балки унинг бутунлай ўзгаришини, йиғинди (интеграл) самарадорлигини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Мана шу мақсадда

иқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи, комплекс кўрсатсичлари ҳисоблаб чиқилади ва ишлаб чиқаришнинг оқибат-натижалари шу кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этилади. Бундай кўрсаткичлар турли ҳаражатлар ва ресуреларнинг даражасини йиғилган турда, ҳар хил омилларнинг таъсирини ҳисобга олади.

Ишлаб чиқариш - техник вазифани ҳал этишнинг бирор вариантининг ижтимоий-иктисодий афзаллигини асослаб бериш, тақдим этилган вариантлардан энг самаралисини танлаб олиш мақсадида аниқланадиган самарадорлик қиёсий самарадорлик деб аталади. Қиёсий самарадорлик икки ва ундан ортиқ вариантни таққослаш ва шу асосда бир вариантнинг бошқа вариантлардан устулиги ва оптималлигини аниқлаб беради.

Йиллик иқтисодий самара — бу, янги техника, технология ва прогрессив маҳсулот турларининг, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташқил этишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолашда қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич қиёс қилинадиган вариантлар бўйича сарфланган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$\bar{I} = [ (T_1 + E_n * K_1) - (T_2 + E_n * K_2) ] * A_2$$

Бу ерда:  $\bar{I}$  — йиллик тежам;

$T_1$  — янги техника бўйича тадбирлар жорий қилингунгача бўлган маҳсулот ёки иш бирлигининг таннархи (сўм ҳисобида);

$T_2$  — шунинг ўзи, тадбирлар жорий қилингандан сўнг (сўм ҳисобида);

$K_1$  — тадбирлар жорий қилингунгача маҳсулот бирлигага сарфланган капитал маблағлар микдори;

$K_2$  — шунинг ўзи, тадбирлар амалга оширилгандан сўнг;

А — янги тадбирлар амалга оширилгандан бошлаб тайёрланадиган йиллик

маҳсулот ёки ишларнинг натура бирлиги.

Ен — капитал ҳаражатларнинг нормадаги қиёсий самарадорлиги коэффициенти.

У янги капитал қўйилмаларнинг минимал даражадаги иқтисодий самарадорлигини ҳамда бир сўмлик капитал қўйилма бир йилда маҳсулот таннархини неча тийинга камайтира олишни билдиради. Масалан, саноат тармоғи учун белгиланган самарадорлик коэффициент нормаси 0,15 бўлса, бу. шу тармоқда ҳар бир сўм капитал қўйилмалар маҳсулот таннархининг пасайиши ҳисобига энг ками билан 15 тайинлик тежам, фойда бериши зарур. Самарадорлик коэффициента «0»дан «1»га қанча тез интилса, самарадорлик шунча юқори, ҳаражатларнинг режали қопланиш муддати эса шунча қисқа бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси хилма-хил, бир-бирига боғлиқ бўлган омиллар таъсирида ташқил топади ва шаклланади. Ҳар бир комплекс, тармоқ ва корхона учун унинг техник-иктисодий хусусияти сабабли самарадорликни оишришнинг ўзига хос омиллари мавжуд. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ ва бир-бируни тўлдиради.

Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Мехнат унумдорлиги;
2. Маҳсулот таннархи;
3. Фойда ҳажми;
4. Рентабеллик даражаси

5. Фонд қайтими;
6. Фанл сиғими;
7. Ёғ-мой маҳсулотларининг энергия сиғими.

«Тошкент ёғ-мой” акциядорлик жамиятида ушбу кўрсатикларни таҳлил қилиш жуда муҳим ҳисобланиб, уни тизимли амалга ошириш талаб қилинади. Ҳар бир кўрсаткич аниқланиб, уларда юз берадиган ўзгаришларга баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Уларнинг ўзгаришига қараб тегишли қарорлар қабул қилинади. Бу қарорлар ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишчи ходимлани моддий ва маҳнавий рағбатлантириш, маҳсулотларни сотиш тизимини такомиллаштириш каби кўплаб масалаларга қаратилган бўлади. Ҳар бир қабул қилинаётган қарор жамиятда ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган бўлишини таъминлайди.

## **Биринчи боб бўйича хulosалар**

Самарадорлик умумий назариясида мезон муаммоси, яъни баҳолаш ўлчови асосий нуқтаи назар масаласи алоҳида ўрин эгаллади. Жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлиги ошириши самарадорликнинг мезони ҳисобланади.

Иқтисодий ҳисоблаш ва таҳлил тажрибасида икки хил самарадорликни фарқлайдилар, биринчи – мутлоқ самарадорлик иккинчиси - қиёсий самарадорлик.

Ишлаб чиқариш саноати корхоналари иқтисодий самарадорликнинг даражаси бир-бири билан боғлиқ ўзаро турли хил омиллар таъсири остида яралади.

Олиб борилган илмий изланишлар, ишлаб чиқариш самарадорлигини мазмун моҳиятини билиш мақсадида ўрганилган илмий асарлар биринчи боб бўйича қуидаги хulosалар олишни таъминлади.

1. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўпқиррали ва мураккаб иқтисодий категроия ҳисобланади. Унинг мазмун моҳиятини очиб бориш мақсадида жуда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

2. Самарадорлик даражаси иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади, инсонларнинг турмуш даражасини белгилайди, инфляцияни пасайишига олиб келади, ишчи ходимларни ишлаш ва дам олиш шароитларини яхшилашни таъминлайди.

3. Ишлаб чиқариш самарадорлиги икки турга бўлинади. Яъни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги олинган натижалар қандай сарфлар, ресурслар эвазига олинганлигини ифодалайди. Энг кам хваражат қилиб энг юфори мқдордаги фойда олиш иқтисодий самарадорликнинг энг юкори кўриниш ҳисобланади.

4. Ижтимоий самарадорлик бу – инсон ва жамиятнинг ижтимоий талабларига ишлаб чиқаришнинг максимал мос келишидир. Ишлаб чиқариш инсон ва жамиятнинг ижтимоий талабларини энг мақбул равища қондиришидир.

5. Ишлаб чиқариш самарадорлиги айниқса иқтисолдий самарадорликка катта ва жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки иқтисодий самарадорлик бу иқтисодий қонун хусусиятларига эга категориядир. Унги эътиборсизлик иқтисодий субъектни банкрот ҳолитига олиб келиши мумкин.

6. Ишлаб чиқариш самарадорлиги қўрсаткичлар тизими билан аниқланади. Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш самадорлигини аниқлашда қуйидаги қўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Мехнат унумдорлиги;
- Маҳсулот таннархи;
- Фойда ҳажми;
- Рентабеллик даражаси;
- Фонд қайтими;
- Фанл сифими;
- Ёғ-мой маҳсулотларининг энергия сифими.

«Тошкент ёғ-мой”акциядорлик жамиятида ана шу қўрсаткичларни доимий ва тизимли аниқлаш ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг натижасига қараб «Тошкент ёғ-мой”акциядорлик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қарорларни адашмасдан қабул қилиш имконияти туғилади.

## **П БОБ. Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой саноатини ривожланиш динамикаси**

### **2.1. Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой саноатини ривожланиши**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ аҳоли учун халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш масаласига жиддий эътибор қаратди. Чунки мамлакатда амалга оширилиётган ислоҳотлар энг аввало Ўзбекистон Республикаси аҳолиси манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилди. Бу даврда “ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатлари учун” деган шиор ислоҳотларнинг энг асосий шиорларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Мустақилликкача Ўзбекистон Республикасида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш жуда ночор ахволда эди. Бу ҳолатга баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарида “...республика халқ хўжалиги бирёзлама, айтиш мукинки, хаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилган. Натижада шундай ахвол вужудга келдики, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармқлари устунлик қилмоқда, тайёр маҳсулот, биринчи навбатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар эса арзимас салмоққа эга. Ҳозир қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хом ашё материаллари) республикадан олиб кетилмоқда, айни вақтда эса аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулотлар олиб келинмоқда”<sup>3</sup> деб ёзган эди.

Халқ истеъмол товарлари ичida инсон ҳаёти, унинг тумуш даражаси учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жуда муҳим саналади. Айниса, ёғ-мой саноатининг ривожланиши, аҳолининг ёғ-мой

<sup>3</sup> Каримов Ислом Абдуғаниевич. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида/ И.А. Каримов.-Т.: “Ўзбекистон” 2011.-4406 (48 бет).

маҳсулотларига бўлган талабини қондириш биринчи галдаги вазифага айланади.

Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой саноати ўз ривожланиш тарихи ва тенденцияларига эга Ўзбекистон Республикасининг ёғ-мой саноати нинг бошқариш «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятига берилган.

«Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг кампанияси тизимига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли Фармонига асосан “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ташкил этилди. Компания негизида “Ўзпахтасаноат”, “Ўзпахтаэкспорт”, “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади.

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг тузилиши пахта толасини қайта ишлаш, экспорт қилиш, корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ва рақобатдошлигини ошириш бўйича ягона комплексни ташкил этиш бўйича муҳим қадам бўлди. Фармон ижросини таъминлаш пахта тозалаш саноати ҳамда пахта чигитини чуқур қайта ишлаш ҳисобига сифатли ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ягона сиёsat юритиш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур Фармон пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб қилишда бир қатор қулайликларни яратди.

Чигитни қабул қилиш, ҳисобини юритиш ва сифати, меъёр ва нормативларга риоя этилишини назорат қилиш, сифатли пахта ёғи ва бошқа ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, тармоқни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инвестицияларни жалб этишда ёғ корхоналарига кўмаклашиш каби

масалалар “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида белгилаб кўйилди.

Ўтган қисқа вақт давомида ёғ-мой корхоналарининг устав фондидаги давлат улушлари ҳисобига “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг 83,5 млрд.сўм миқдоридаги устав фонди шакллантирилди.

Акцияларнинг бирламчи чиқарилиши амалга оширилди ва 2015 йилнинг 11 декабрида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўtkазилди. Жамият Кузатув кенгаши шакллантирилди, Кузатув кенгашининг мажлислари ўтказилди, корпоратив бошқаруви бўйича тегишли хужжатлар пакети тасдиқланди.

Жамият таркибида техник пахта чигити сифатини назорат қилиш “Сифат-чигит” маркази ва Марказий лаборатория ташкил қилинди ва малакали мутахассислар билан тўлдирилди. Зарурӣ лаборатория ускуналарининг рўйхати тузилди ва етказиб берувчилар билан тегишли шартномалар имзоланди. Ёғ-мой корхоналарида чигит ва пахта ёғи сифатини назорат қилиш бўйича лабораториялар ўз фаолиятини бошлади.

Чигитни қабул қилиш, қатъий ҳисобга олишни назорат қилишни кучайтириш мақсадида жойига чиқкан ҳолда, етказиб берилаётган пахта чигити сифати ва ҳаракати бўйича мониторинг юритилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида электрон ўлчагичлар ва видео кузатув камераларини ўрнатиш бўйича ишлар ташкил қилинмоқда. “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда пахта чигитининг ёғдорлигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятида техник пахта чигити сифатини назорат қилиш “Сифат-чигит” маркази ва Марказий лаборатория ташкил қилинди ва малакали мутахассислар билан таъминланди. 23 та ёғ-мой

корхоналарида ҳам чигит сифатини аниқловчи лабораториялар ташкил қилинди.<sup>4</sup>

Акциядорлик жамияти тузилиши билан биринчи акция чиқарилиши амалга оширилди:

Биринчи акциялари № РО862-сонли рақам асосида 2015 йилнинг декабрида чиқарилди;

2015 йил 1 декабрь ҳолатига Устав фонди 83 455 920 500 сўм деб эълон қилинди ва 834 559 205 дона акцияга бўлинди.

Бир дона акциянинг номинал қиймати 100,00 сўм.

Устав фонди тузилмаси бизнес-режа тузилган сана ҳолатига куйидаги кўринишга эга:

### **2.1.1-жадвал**

#### **“Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг устав фонди**

Эгалик қилувчи	%	Акциялар сони	Суммаси
«Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК	100,0	834 559 205	83 455 920 500

Манба: “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувафиқ жамият бошқарув органи қуйидагилар ҳисобланади:


- Акциядорлар умумий йиғилиши
- Кузатув Кенгаши
- Бош директор

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори органи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши (навбатдаги умумий ҳисобот йиғилиши) йилига камида бир марта ўтказилади. Зарурят туғилган ҳолларда (Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси, йирик

<sup>4</sup> <http://uzpaxtayog.uz/zhamiyat-xaqida/biz-xaqimizda/>

акциядорларнинг талаби бўйича) акциядорлар томонидан навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши мумкин.

Ижро аппарати тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФК-4720-сонли фармони талабларига жавоб беради ва у куйидаги кўринишга эга:



## 2.1.1-чизма. “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузимаси<sup>5</sup>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли Фармони.

## 2.1.2-жадвал

### “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятининг лойихалари

<b>Лойиха ташабускори ва лойиха номи</b>	<b>Лойихан инг умумий қиймати</b>	<b>Лойиха нинг йиллик қуввати</b>	<b>2016 йилда инвестиция ўзлаштирилиши</b>	<b>Лойихан и ишга тушириш муддати</b>
<b>Жами - 23 та лойиха</b>	<b>16,6</b>		<b>9,2</b>	
«Турон-Хожейли» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,30		0,30	декабрь 2016
«Беруний Ёғгар» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,20		0,20	ноябрь 2016
«Андижон ёғ-мой» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,04		0,04	сентябрь 2016
«Когон ёғ экстракция» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,07		0,07	сентябрь 2016
«Евроснар» МЧЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,05		0,05	сентябрь 2016
«Бўстон олами» МЧЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,15		0,15	ноябрь 2016
«Нурли дон» МЧЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,09		0,09	ноябрь 2016
«Қарши ёғ экстракция» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,09		0,09	октябрь 2016
«Косон ёғ экстракция» АЖда	0,20		0,20	декабрь 2


ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси				016
«Косон ёғ экстракция» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,20		0,20	август 2016
«АгроХизмат шиндонг» ҚҚ МЧЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,30		0,30	октябрь 2016
«Учкўрғон ёғ» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,11		0,11	сентябрь 2016
«Наманган тола-текстиль» МЧЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,05		0,05	октябрь 2016
«Каттакўрғон ёғ-мой» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,55		0,55	ноябрь 2016
«Сурхонозиковқатсаноати» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,12		0,12	декабрь 2016
«Сурхонозиковқатсаноати» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,09		0,09	октябрь 2016
«Янгийўл ёғ-мой» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,24		0,24	ноябрь 2016
«Фарғона ёғ-мой» АЖда ишлиб чиқаришни модернизация қилиш ва	0,05		0,05	август 2016

қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси				
«Қўқон ёғ-мой» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,08		0,08	октябрь 2016
«Урганч ёғ-мой» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,05		0,05	октябрь 2016
«Асака ёғ-мой» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш (ускуналарни алмаштириш) лойиҳаси	0,03		0,03	октябрь 2016
«Интеграл инвест» ҚҚ МЧЖда соя донини чуқур қайта ишлаш лойиҳаси (соя оқсили, текстурат, ун ва бошқалар)	10,00	30 минг тонна	4,6	2017
«Интеграл инвест» ҚҚ МЧЖда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси (колбаса, сосиска)	3,5	1000 тона	1,50	2017

Манба: “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг 2016 йил I чорак иш фаолияти якунлари тўғрисидаги маълумотлар асосида тузилди.

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг тузилиши, пахта толасини қайта ишлаш, экспорт қилиш, ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича ягона комплексни ташкил этиш бўйича муҳим қадам бўлди. Холдинг компаниясининг ташкил этилиши натижасида, ёғ-мой корхоналарининг устав фондидаги давлат улушлари ҳисобига “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг 84 миллиард сўм миқдоридаги устав фонди шакллантирилди. “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятида техник пахта чигити сифатини назорат қилиш “Сифат-чигит” маркази ва Марказий лаборатория ташкил қилинди ва малакали мутахассислар билан таъминланди. 23 та ёғ-мой корхоналарида ҳам чигит сифатини аниқловчи лабораториялар ташкил қилинди.

2016 йилнинг I чорагида корхоналар томонидан 110 фоиз ўсиш суръати 282,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 114,3 фоиз ўсиш суръати билан халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди, жумладан асосий турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда қуидаги натижаларга эришилди:



### **2.1.1-расм. “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятида маҳсулотлар ишлаб чиқариш динамикаси (2016 йил).**

Манба: “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида тузилди. Ҳисобот даврида 4 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

Маҳсулотлар таннархи 10,1 фоизга ёки қарийб 5,1 миллиард сўмга пасайтирилди. 6,3 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва давр прогнози 134,1 фоизга бажарилди.

Давлат инвестиция дастурга кўра, жорий йилда умумий қиймати 9,2 миллион доллар бўлган 23 та инвестиция лойиҳалари ижроси таъминланиши кўзда тутилган. Жумладан, 21 та ёғ-мой корхонасида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Ушбу мақсад учун 3,1 миллион долларлик инвестициялар йўналтирилади.

Ҳисобот даврида кўрилган чора-тадбирлар натижасида прогноздаги 372,2 миллион сўм ўрнига 977,5 миллион сўм миқдорида капитал қуйилма ўзлаштирилди ва прогнози 262,6 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 январдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар)ни етиштириш ва экспорт ҳажмларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича “Ўзпахтаёф” АЖ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш мақсадида қуидаги ишлар амалга оширилди:

- ёғ-мой корхоналар билан 2648 та фермер хўжалиги ўртасида 14,9 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш ва 273,4 минг тонна ҳосил етиштириш бўйича шартномалар тузилди;
- 6,3 миллиард сўмлик бўнак маблағлари ажратилди;
- фермер хўжаликларига 70 тонна уруғлик етказиб берилди;
- бугунги қунгача 5,3 минг гектар майдонга сабзавот ва дуккакли экинлар экилди;
- 33,9 минг гектар майдонга махсар, 1300 гектар ерга асосий экин сифатида қунгабоқар уруғи экилди.

“Ўзпахтаёф” акциядорлик жамияти корхоналар раҳбарлари билан биргалиқда Хукуматимиз томонидан 2016 йилнинг I чораги учун белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажариш учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сонли “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамияти томонидан қуидаги ишлар амалга оширилди:

жамият таркибига киритилган ёғ-мой корхоналари устав фондидағи акцияларнинг 83,5 миллиард сўмлик давлат улуши Давлат рақобат қўмитасининг буйруғи билан номинал қийматда “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятига берилиб, бирламчи акциялар чиқарилди ҳамда Давлат рақобат қўмитаси ҳисобига жойлаштирилди;

жамиятнинг штатлар жадвали бўйича марказий аппаратининг барча таркибий бўлинмалари юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилди;

жамиятнинг “Ягона акциядори томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисида”, “Кузатув кенгashi тўғрисида”, “Ижроия органи тўғрисида” ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида” низомлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди;

жамият тизимидағи ёғ-мой корхоналарига пахта техник чигитини етказиб бериш, қабул қилиш ва уни қайта ишлаш тизимларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда корхоналарга ижросини таъминлаш учун етказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 3 ноябрдаги ПҚ-2427-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ва унинг таркибига киравчи акциядорлик бирлашмалари фаолиятини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтаёф” АЖ тузилмасида техник пахта чигити сифатини назорат қилувчи “Сифат-чигит” маркази ва унинг таркибида техник пахта чигити ва ёғ-мой маҳсулотлари сифатини назорат қилувчи марказий лаборатория ташкил этилди. Марказ қошида марказий лаборатория капитал таъмирдан чиқарилди ва замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, ёғ-мой корхоналарида пахта техник чигитини қабул қилиш ва сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар ташкил этилиб, малакали мутахассис-кадрлар билан тўлдирилди.

Меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ иш берувчи ва янгидан ташкил қилинган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2016-2018 йиллар учун жамоа шартномаси имзоланди ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясидан рўйхатдан ўтказилди, шунингдек ички меҳнат тартиби қоидалари, одоб-аҳлоқ қоидалари тасдиқланди. Жамият ижро аппаратида ва ёғ-мой корхоналарида одоб-аҳлоқ комиссиялари ташкил қилинди.

Пахта тозалаш корхоналаридан ёғ-мой корхоналарига етказиб берилаётган пахта техник чигитларини ўлчаш учун 13 та корхонадаги механик автомобил тарозилар электрон типдаги тарозиларга алмаштирилди, 4 та корхонадаги жами 125 та юк ташиш автомашиналари GPS-трекерлар билан жиҳозланди. Қолган корхоналарда ушбу ишларни ижросини таъминлаш бўйича июнь-август ойлари учун жадвал тасдиқланиб, корхоналар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг кунлик мониторинги йўлга қўйилди.

Ҳисобот даврида прогноз бўйича умумий қиймати 1 миллиард 2362,6 миллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда умумий қиймати 14 миллиард 392,6 миллион сўм бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки прогноз 116,4 фоизга бажарилди. Тасдиқланган дастур асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи 10,0 млрд. миллиард сўмга ёки 10,1 фоизга пасайтирилди. 777,3 минг долларлик ёғ-мой маҳсулотлари экспорт қилиниб, прогноз параметрлари 100,2 фоизга бажарилди. 21 та ёғ-мой корхонасида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди ва 3,1 млн. доллар инвестициялар ўзлаштирилди.

Тармоқ корхоналарида маҳсулот реализацияси, пул оқимининг тўғри йўлга қўйилиши, харажатлар устидан назоратнинг ўрнатилиши ҳамда эҳтиёждан ортиқча ускуналар сотиб олинмаслиги каби қатор тадбирлар натижасида 2016 йилнинг I чорагида 50,3 миллиард сўм (ўтган йилда 14,4

миллиард сўм) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,4 миллиард сўм кўп соф фойда олинди. Соф фойданинг сотилган маҳсулот таннархига нисбатан рентабеллик даражаси 24,9 фоизни (ўтган йилда 8,7 фоиз) ташкил этди ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида нисбатан 16,2 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига 14 та акциядорлик жамияти томонидан давлат улушининг 51 фоиздан ортиқ қисмини хорижий инвесторларга сотиш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунга келиб, 54 миллион доллар микдоридаги акция пакетлари “Тошкент” Республика фонд биржаси савдоларига қўйилди. Шундан, “Қўқон ёғ мой” корхонасининг 2,5 миллион долларлик, “Когон ёғ экстракция” корхонасининг 521 минг долларлик, “Косон ёғ экстракция” корхонасининг 343 минг долларлик акциялари хорижий инвесторларга сотилди. Қолган корхоналарнинг акцияларини ҳам белгиланган муддатларда сотиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда, хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб борилмоқда.<sup>6</sup>

Корхоналарни модернизациялар ишлари жадал суръатлар билан олиб борилиши натижасида 11 та корхонада шрот қадоқлаш тизимлари ишга туширилди ва яна 12 та корхонада қадоқлаш тизимлари ташкил қилинмоқда.

“Каттақўргон ёғ-мой” АЖда ўсимлик мойларини тозалашнинг узлуксиз тизими ишга туширилиб, соапстокни сепараторларда ажратиш технологияси қўллана бошланди. Янги тизимининг ишга туширилиши корхонада тозаланган мой ишлаб чиқариш 0,1 фоизга ошди.

---

<sup>6</sup> И.Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь, №11 (6164).

“Бўстон олами” МЧЖда мағизни чанли қисмини пневматик усулда ажратиб оладиган қўшимча ускуналар ўрнатилди. Пневматик ажратгич ўрнатилиши натижасида шелуханинг мойлилигини 1,0 фоиздан пасайтиришга эришилмоқда.

“Учқўрғон ёғ” АЖда рафинацияланмаган мойни тозалаш жараёнида ажраладиган фузани қовуриш қозонларига бермасдан, алоҳида кичик кувватли прессга бериш тизими ташкил этилиб, рафинацияланмаган мойнинг кислота сони ва рангини яхшиланишига эришилмоқда.

“Каттақўрғон ёғ-мой” АЖда Германиянинг “Экстехник” фирмасида чиқарилган Г-24 пресслари ўрнатилди. Шунингдек, “Сурхонозиковқатсаноати” АЖда Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқарилган МШП-1 маркали пресслар ўрнатилиши натижасида форпресс мойи ишлаб чиқариш 70-75 фоизгача етиши кутилмоқда.

Барча ёғ-мой корхоналарида ёнгин хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазаси ва фуқаро ҳимояси бўйича ички ишлар ходимлари ва тегишли ташкилотлар иштирокида ўқув машғулотлари ва семинар-тренинглар ўтказилди. Корхоналарда ёнгин хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазаси ва фуқаро ҳимояси бўйича тайёргарлик ҳолати кучайтирилди.

“Гулистон экстракт ёғ” корхонасининг ишлаб чиқариш технологик ҳолати, молия-хўжалик фаолияти “Ўзпахтаёғ” АЖда тузилган Ишчи гурух томонидан комплекс ўрганилди. Ўрганиш натижаси бўйича жорий йилга мўлжалланган корхонани молиявий соғломлаштириш “Йўл ҳаритаси” ва капитал таъмирлаш дастурлари ҳамда корхонани 2020 йилгача комплекс ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, жамиятнинг 2016 йил 2 майдаги 29-сонли буйруғи билан ижро аппаратида тузилган Ишчи гурухлар томонидан 2015 йилни паст рентабел билан якунлаган корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологик ҳолати, молия-хўжалик

фаолияти ўрганилди. Ўрганиш натижаси бўйича жорий йилга мўлжалланган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш Йўл хариталар дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Мазкур дастурлар ижроси бўйича доимий мониторинг ўрнатилган.

Ходимлар малакасини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан ўтган 5 ойи давомида малака ошириш курсларида жами 78 нафар ходим ўз малакасини оширди. 2015 йил декабрь ойи ҳамда 2016 йилнинг ярим йиллигига Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази курсларида 30 нафар раҳбар билим даражасини кенгайтирди. Бундан ташқари, тармоқ корхоналари ходимлари билим даражасини ошириб бориш мақсадида доимий равишда четдан малакали мутахассиларни жалб қилган ҳолда турли мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил этилаяпти.

Ўтган давр мабойнида “Когон ёғ экстракция” АЖ томонидан 1500 миллион сўм ҳисобига сифими 1000 м<sup>3</sup>га эга музлаткичли омборхона ишга туширилди. “Каттакўрғон ёғ” АЖ томонидан 1500 миллион сўм маблағ сарфланиб, 50 гектар майдонда интенсив боғ ташкил қилинди. “Турон Хожейли” АЖ томонидан 350 миллион сўм маблағ сарфланиб, 10 гектар майдонда балиқчилик хўжалиги ташкил этилди.

Ёғ-мой корхоналарини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида 3 та чорвачилик, 1 та интенсив боғ, 3 та балиқчилик, 3 та паррандачилик, 2 та маҳсулотларни қадоқлаш учун идиш ишлаб чиқариш, 1 та фармацевтика ёғини ишлаб чиқариш, 4 та музлаткичли омборхона, 1 та автоматлаштирилган парранда сўйиш комплекси ва 1 та замонавий қушхона ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

## **2.2. «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили**

Корхона ўз низомига кўра “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти деб юритилади. Корхонанинг қисқартирилган номи “Тошкент ёғ-мой” АЖ деб юритилади.

Корхона 2014 йилнинг 26 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Токент шаҳрида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятига Адлия вазирлиги томонидан 002281 рақамли гувоҳнома берилган. Гувоҳнама 003634-07 сонли реестр билан рўйхатга олинган. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятининг манзили, Тошкент шаҳри, Жарқўргон кўчаси, 47-уй. Телефони – 291-69-04, Факс – 291-65-36.

“Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти қўйидаги эмблемани (логотипни) Адлия вазирлигидан ўтказган ва шу логотип орқали ўз брендини шакллантирмоқда. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти сотувга чиқараётган барча маҳсулотларига шу эмблема қўйилмоқда.

“Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасидаги энг йирик ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи комбинатларидан бири ҳисобланади. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти дастлаб 1966 йилда ишга туширилган. Корхона гидромаргариш заводи деб номланган. Корхонанинг лойиҳавий қуввати йилига 30 минг тонна майонез ва 4 минг тонна қадоқланган ёғ ишаб чиқарган. Шу йили, яъни 1966 йилда заводнинг мухандис-техник хизмати таъминоти: буг қозонхонаси, сув хўжалиги ва канализация, электртаянчи, механик таъмирлаш ва қурилиш-таъмирлаш цехлари қурилиб, ишга туширилди.

1979 йилда гидрогенлаш цехида реконструкция ишлари олиб борилган. Натижада қўшимча автоклавкалар ўрнатилган. 1996-1997 йилларда водород компрессорлари алоҳида бинога олиб чиқилган. 2001йилда водородни тозалаш учун қўшимча бино қурилган. Ушбу реконструкция, модернизация ишлари натижасида гидрогенизация цехининг қуввати йилиги 53 минг тонна озуқавий саломасни ташкил этди.

1971 йилда ёғ-экстракция заводи, лойиха қуввати кунига 360 тонналик техник пахта чигитини қайта ишлаш, 11 минг тонналик чигит қабул қилиш омбори, ҳамда шелуха майдони ва 2000 тонналик шрот элеватори эксплуатация қилишга топширилган.

1987 йилда 7000 тонналик, 2005 йилда 5000 тонналик чигитни сақлаш омборлари қурилиб, умумий 23000 тонна чигит сақлаш имконияти яратилган.

Шулухани сақланиш сифатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда шелуха майдони усти ёпилиб 5000 тонна шелухага мўлжалланган бостирма қурилган.

2009 йилда янги экстракция цехи (эрон линияси “КУШО”), ишга турилди. Унинг лойихавий қуввати кунига 200-250 тонна кунжарани қайта ишлаб чиқариш, эксплуатация қилишга топширилди.

1992 йилда қўйма маргарин заводи (ЗНМ), лойиха қуввати йилига 22,4 минг тонна маргарин ишлаб чиқариш цехи эксплуатация қилишга топширилди.

2004 йилда гидромаргарин цехидаги маргарин маҳсулоти ишлаб чиқариш ускуналари қўйма маргарин ишлаб чиқариш заводига кўчирилган. Маргарин цехининг қуввати йилига 51000 тоннани ташкил этган.

2009 йилда қўйма маргарин ишлаб чиқариш заводининг айrim усккунаалри маънавий ва жисмоний эскирганлигини, хом ашёнинг

камайганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳисобидан чиқарилган. Натижада қуйма маргарин ишлаб чиқариш заводининг қуввати йилига 41500 тонна маргарин ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

“Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти 2017 йилнинг 1 январ ойига қуйидаги қувватларга эга.

## 2.2.1-жадвал

### “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 1 январ ҳолатига асосий ишлаб чиқариш қувватлари

Фаолият тури бўйича	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Чигитни қайта ишлаш бўйича	т/суткасига	360
Саломас ишлаб чиқариш бўйича	т/суткасига	150-170
Маргарин ишлаб чиқариш бўйича	т/суткасига	140-150
Ёғни қадоқлаш бўйича	т/суткасига	25

Манба: “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятининг маълумотлари аосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики “Тошкент ёғ-мой”комбинати” акциядорлик жамияти катта қувватларга эга.

“Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамияти қуйидаги маҳслот турларини ишлаб чиқаради:

1. Дезодорацияланган ўсимлик мойлари (қадоқланган идишларда);
2. Озуқавий саломас;
3. Техник саломас;
4. Маргарин маҳсулотлари;
5. Пахта шроти;
6. Шелуха;
7. Соапсток.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти жами бўлиб 19,2 гектар ер майдонига жойлашган. Шундан бино ва иншоатлар 6,85 гектарга жойлашган. «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида 3 та чигит омбори қурилган. Биринчи рақамли чигит омбори 1971 йилда қурилган бўлиб, 11000 тонна чигитни сақлаш имкониятига эга. Иккинчи

рақамли чигит омбори 1987 йилда қурилган бўлиб, унинг чигитни сақлаш куввати (сифими) 7000 тоннани ташкил этади. Учинчи чигитни сақлаш омбори 2005 йилда қурилган. Унинг чигитни сақлаш имконияти (сифими) 5000 тоннани ташкил этади. Ҳар учала чигитни сақлаш омборлари замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, барча иш жараёнлари тўлиқ механизациялаштирилган.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти қуидаги асосий ишлаб чиқариш цехларига эга:

1. Чигит хўжалиги цехи. 1966 йилда ишга тушган, 31 киши ишлайди;
2. Тайёрлов Форпресс цехи. 1971 йилда ишга тушган, 75 киши ишлайди;
3. Экстракция цехи 1971 йилда ишга туширилган. 2009 йилда медернизация қилиб, янгилangan ва 24 киши ишлайди;
4. Шрот сақлаш омбори цехи 1971 йилда ишга туширилган. Цехда 14 киши ишлайди.
5. Таъмирлаш биргадаси 1966 йилда ташкил этилган. Цехда 8 киши ишлайди.
6. Ёғни рафинациялаш цехи №1, 1966 йилда ишга туширилган. Цехда 33 киши ишлайди;
7. Автоклав-катализатор цехи 1966 йилда ишга туширилган. Цехда 43 киши ишлайди;
8. Саломасни рафинациялаш цехи №2, 1992 йилда ишга туширилган. Цехда 34 киши ишлайди;
9. Маргарин ишлаб чиқариш цехи 1992 йилда ишга туширилган. Цехда 90 киши ишлайди;
10. Ёғни қадоқлаш цехи 1967 йилда ишга туширилган. Цехда 32 киши ишлайди.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида қуидаги ёрдамчи цехлар ташкил этилган:

1. Электролиз цехи 1966 йилда ишга туширилган. Цехда 19 киши ишлайди;
2. Электр таъмирлов цехи 1966 йилда ишга туширилган. Цехда 28 киши ишлайди;
3. Водород, ҳаво компрессор станцияси 1966 йилда ишга туширилган. Цехда 16 киши ишлайди;
4. Сув таъминоти цехи 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 28 киши ишлайди;
5. Марказий қозонхона 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 32 киши ишлайди;
6. Ёғ-мой хўжалиги 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 20 киши ишлайди;
7. Қурилиш таъмирлаш цехи 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 20 киши ишлайди;
8. Ёнғин хавфсизлиги бўлими 1965 йилда ишга туширилган. Бўлимда 25 киши ишлайди;
9. Механик таъмирлаш цехи 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 15 киши ишлайди;
10. Транспорт цехи 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 57 киши ишлайди;
11. Идиш қути цехи 1966 йилда ишга туширилган. Цехда 10 киши ишлайди;
12. Совутиш компрессор цехи 1965 йилда ишга туширилган. Цехда 20 киши ишлайди;
13. Таъминот бўлими 1965 йилда ишга туширилган. Таъминот бўлими юкловчилари бўлиб 3 киши ишлайди;

14. Бош механик бўлими 1965 йилда ишга туширилган. Бўлимда 11 киши ишлайди;

15. Тақсимот бўлими 1966 йилда ишга туширилган. Тақсимот бўлими юкчилари бўлиб 10 киши ишлайди;

16. Газ ва чанг лобараторияси 1966 йилда ташкил этилган. Унда 9 киши ишлайди;

17. Метрология бўлими 1965 йилда ташкил этилган. Бўлимда 21 киши ишлайди;

18. Сифат назорати ва стандартларга риоя қилиш бўлими 1965 йилда ташкил этилган. Бўлимда 54 киши ишлайди;

19. ЁИЧ заводи, таъмирлаш бригадаси 1966 йилда ташкил этилган. Бригадада 17 киши ишлайди.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятининг маъмурий бўлимлари қуидагича:

1. Техник бўлим ва унда 3 киши ишлайди.
2. Стратегик ривожлантириш, бозор тадқиқоти ва талаб бўлимида 3 киши ишлайди.
3. МХ, ММК ва экология бўлимида 4 киши ишлайди.
4. Ички харид бўлимида 8 киши ишлайди.
5. Мехнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлимида 2 киши ишлайди.
6. Ички савдо бўлимида 6 киши ишлайди.
7. Хом ашё базасини ривожлантириш бўлимида 6 киши ишлайди.
8. Ижтимоий ривожланиш бўлимида 2 киши ишлайди.
9. Ходимларни бошқарув хизматида 2 киши ишлайди.
10. Соғломлаштириш хизматида 4 киши ишлайди.
11. Маъмурий хўжалик бўлими 38 киши.
12. Реклама ва маркетинг бўлими 2 киши.

13. Янги маҳсулотларни жорий этиш ва махаллийлаштриш бўйича тадқиқот бўлими 1 киши.
14. Ташқи иқтисодий фаолият бўлими 3 киши.
15. Бухгалтерия ва ҳисбот бўлими 14 киши.
16. Акциядорлар билан корпоратив алоқалар хизмати бўлими 1 киши.
17. Юридик хизмат 4 киши.
18. Хавфизлик бўлими 47 киши.
19. Фуқаро муҳофазаси ва фавқулотда вазият бўлими 1 киши.
20. Капитал қурилиш бўлими 2 киши.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида иқтисодий ислохотлар жадал олиб борилмоқда. «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти модернизациялашиб, замонавийлашиб бораётган корхоналар қаторидан жой олган. 2016 йилда «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида 83574,1 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 2015 йилдагидан кўра 5,2 фоизга юқори бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот қитймати 79451 миллион сўмни ташкил этган эди.

Амалдаги жорий нархларда 2015 йилда 38691,8 миллион сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган бўлса 2016 йилда 46309 миллион сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 19,7 фоизга ўсган.

«Тошкент ёғ-мой”комбинати” акциядорлик жамиятининг ҳисбот йилида жами олинган соғ фойдаси 302 миллион сўмни ташкил этган.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти 2015 йилда жами бўлиб 45,7 минг тонна пахта чигитини қайта ишлаган. 2016 йилда эса «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти жами бўлиб 51,5 минг тонна чигитни қайта ишлаган.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида 2015 йилда чигитни қайта ишлаш натижасида 8068 тонна рифинацияланмаган мой ишлаб чиқарилган. 2016 йилда эса 9185 тонна мой ишлаб чиқарышган. «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти томонидан 2015 йилда 6930 тонна, 2016 йилда 8003 тонна рафинацияланган мой олинган.

Кейинги йилларда пахта майдонларининг камайиши пахта хом ашёсининг камайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида пахта чигитининг ҳам камайишига таъсир кўрсатмоқда. Бу масаланинг ижобий ечимини топиш мақсадитда пахта чигитидан бошқа мой берувчи экинларни ҳосилини олишга эътибор мавжуд. Жумладан 2016 йилда 129 тонна масхар уруғи қайта ишланди ва ундан 21 тонна рафинацияланган мой олинди.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти томонидан 2016 йилда 9,6 минг тонна маргарин маҳсулотлари, 15,9 минг тонна саломас, ишлаб чиқарилди. Шу йили 2,1 минг тонна мой қадоқланди ва аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти томонидан 2016 йилда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг таннархини 10,1 фоизга пасайтириш вазифаси белгиланган эди. Бу дастур бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қиласр эди. Уларнинг асосий силар қуидагиларда ўз ифодасини топган.

- Энергоресрсларни тежаш;
- Хом ашё ва материаллар сарфини оптималлаштириш, харид нархларини арzonлаштириш;
- Маъмурий бошқарув аппарати харажатларини камайтириш;
- Ишлаб чиқаришга таалуқли билвосита харажатларни камайтириш;
- Устама харажатларни камайтириш;

- Технологик жараёнларни оптималлаштириш ва йўқотишиларни камайтириш;
- Мухандис-техник ва ишчи ходимлар сонини оптималлаштириш каби йўналишиларда бажариладиган ишлар режасини амалга ошириш.

Бу дастурни «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши тўлиқ таъминланди ва 2016 йилда маҳсулотлар таннархи 2015 йилдагига қараганда 10,4 фоизга камайтирилди.

“Тошкент ёғ-мой”комбинати” акциядорлик жамияти сингари “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятида ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўсиш тенденциясига эга.

#### **2.2.2-жадвал**

#### **“Тошкент ёғ-мой”комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулотлар ишлаб чиқариш динамикаси**

№	Маҳсулот номлари	Ўлчов бирлиги	2014	2015	2016
1.	Рафинациланган мой	Минг тонна	234,2	232,9	234,6
2.	Хўжалик совуни	Минг тонна	30,1	28,7	29,4
3.	Маргарин маҳсулотлари	Минг тонна	29,4	25,6	26,8
4.	Шрот шелуха, саломас	Млрд сўм	304,7	341,2	399,25

Манба: “Тошкент ёғ-мой”комбинати” акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида тузилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамиятида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари юқори эмас. Аммо қиймат кўрсаткичларда ўсиш юқори. Бу асоса жорий нархларнинг ўзгариши ҳисобига юз бермоқда.

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси таркибидаги “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамияти хузурида техник чигит сифатини назорат қилиш “Сифат-чигит” марказининг ташкил этилиши пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, пахта тозалаш ва

ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ҳамда унинг сифатини баҳолаш механизмини самарали ташкил этиш, шу билан бирга пахта чигитини қайта ишлаб олинадиган пахта мойини сифатини ошириш йўналишидаги ишларни янги босқичга кўтарди.

2015 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ва тегишли қарорлари қабул қилиниб, Республикада этиштирилаётган пахта хом ашёсини фермер хўжаликларидан қабул қилиб олиш, қайта ишлаш, пахта толасини жаҳон бозори талабларидан келиб чиқкан ҳолда экспорт қилиш бўйича ягона тизим яратилди.

Мазкур Фармон ва тегишли қарорлар асосида “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси тизимида ташкил қилинган «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти бугунги кунда техник чигитни қабул қилиш ва қатъий ҳисобга олиш, уларнинг сифатини амалий назорат қилиш, тармоқ корхоналари пахта ёғи чиқишининг белгиланган меъёрларда бўлишини таъминлаш, ички истеъмол бозорини янада тўлдириш учун сифатли пахта ёғи ва бошқа ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш; ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш каби йўналишлар бўйича фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 3 ноябрдаги ПҚ-2427-сонли “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ва унинг таркибида кирувчи акциядорлик бирлашмалари фаолиятини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамияти хузурида Техник чигит сифатини назорат қилиш “Сифат-чигит” маркази ташкил қилинди.

Шу билан бирга Марказ пахта тозалаш корхоналаридан келтирилган техник чигитнинг белгиланган тартибда қабул қилиниши ва ҳисобга

олиниши бўйича тизимли назорат ишларини, ёғ-мой корхоналари лабораторияларининг техник чигит таркибидаги ёғ миқдорини аниқлаш бўйича фаолияти ҳамда корхоналарда техник чигитдан ёғнинг чиқиши ва йўқотилиши меъёрларига мувофиқ равишда самарали қайта ишланиши юзасидан қатъий назоратни таъминлайди, ёғ-мой корхоналари омборларида техник чигитнинг навлари бўйича талаб даражасида сақланиши юзасидан тизимли мониторинг олиб боради.

“Сифат-чигит” маркази таркибига пахта чигити сифатини назорат қилиш марказий лабораторияси ҳамда ҳар бир ёғ-мой корхонасида ташкил қилинган марказий лабораторияга бўйсунувчи техник чигит сифатини назорат қилиш лабораториялари киради.

Хозирда Марказ таркибида марказий лаборатория ҳамда унга бўйсунувчи 23 та ёғ-мой корхоналари қошидаги лабораториялар ташкил қилинди. Мазкур лабораторияларга юқори малакага эга тажрибали ходимлар ва соҳага доир билимларни яхши ўзлаштирган етук мутахассислар ишга саралаб олинди. Марказга жалб қилинган ходимлар ичida 1 нафари “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аттестациядан ўtkазилиб давлат реестрига рўйхатга киритилган мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги эксперт-аудитор, 2 нафар эксперт аудиторликка номзод ҳамда 6 нафари “Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида (СМСИТИ) “Озиқовқат маҳсулотлари сифатини баҳолаш” курсларида малака оширганлар.

Шу жумладан, пахта мойини кислота сонини юқори аниқликда потенциометрик титрловчи “Metrohm” (Швейцария) фирмасининг автоматик титратор, «Vitlab» (Германия) фирмасининг рақамли бюреткалари, уреаза активлигини ўлчаш учун Mettler-Toledo (Швейцария) фирмасининг стационар pH метри FE20, юқори аниқликдаги ўлчов асбобларини ишлаб чиқарувчи Ohaus (АҚШ) фирмасининг Pioneer PA14C

русумли аналитик ва Navigator NVL2101 НПВ русумли тарозилари, BINDER PRODUCTS (Германия) фирмасининг қуритиш шкафлари ва бошқа замонавий синов асбоблари билан таъминланган. Бу ўз навбатида ишнинг сифати ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Маҳсулот сифатини тўлиқ ва аниқ баҳолаш учун унга бўлган талаблар давлат реестрига рўйхатга киритилган меъёрий хужжатларда ўрнатилади. Бундан келиб чиқиб техник чигитни сифатини янада яхшилаш ҳамда уни қайта ишлайдиган ёғ-мой корхоналарига сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида “Oz Dst 596:2014 Техник чигит. Техникавий шартлар”, “Oz Dst 601:2008 Техник чигит. Тукдорликни аниқлаш усуллари” давлат стандартларига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрланди.

Ёғ-мой маҳсулотларининг давлат стандартларини қайта кўриб чиқища, яъни O’z DSt 2802:2013 “Рафинацияланмаган пахта ёғи. Техникавий шартлари”, O’z DSt 2824:2014 “Кунгабоқар ёғи. Қадоқлаш, тамғалаш, транспортда ташиб ва сақлаш” меъёрий хужжатларига ўзгартиришлар, “Соя мойи. Техникавий шартлари” меъёрий хужжати лойихасини тайёрлашда қатнашаяпи.

Бугунги кунда марказ «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тасарруфидаги ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқариш тизимини модернизациялаш, янги технологияларни жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш ва рақобатбардош маҳсулотлар турини кўпайтириш, маҳсулот сифатини баҳолашда янги замонавий синов ускуналарини тадбиқ этиш, бренд менеджмент (брэндларни бошқариш) юзасидан ғояларни таҳлил қилиш ва жорий этиш, янги турдаги маҳсулотлар ассортиментини ошириш йўналишидаги тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларни амалда кўллашда фаол иштирок этмоқда.

Олиб борилаётган изланишлар натижалари “Ўзпахтаёф” акциядорлик жамиятининг ходимлари томонидан, шу жумладан Кимё-технология институти, “Ёғ-таксил сервис” МЧЖ ҳамда ёғ-мой корхналарининг вакилларини жалб қилган ҳолда ташкил қилинган “Илмий техник кенгаш”да кўриб чиқилиб, корхоналарга тегишли тавсиялар берабер келмоқда. Ўйлаймизки, “Сифат чигит” маркази бозорларимизни сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг харидоргирлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қиласди.

### **2.3. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Корхоналарда иқтисодий таҳлилини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, унинг ишлаб чиқариш фаолияти қандай ва у қай натижаларга эришилаяпти, рентабеллиги қай ҳолатда ва шу каби аниқ асосланган кўрсаткичларини таҳлил қилишдан иборат. Бу эса асосан уч гуруҳ ишлаб чиқариш ресурслари яъни меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Ушбу омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир. Аввал ҳар бир омиллар гуруҳи алоҳида-алоҳида ўрганилади. Сўнгра учала омиллар гуруҳини таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш борасидаги йиғма резервлар тўғрисида умумий холоса берилади.

Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади.

Корхонанинг молия-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири - бу асосий ахборот олиш манбаларидир. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ҳисбот шаклларидан

қўлланилиш ҳисобланади.<sup>7</sup>

Маҳсулот таннархи кўрсаткичи умуман ва уларнинг унсурлари вакалкулятсия моддалари бўйича белгиланган бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омиллар батафсил таҳлил қилинади. Умумлашган меҳнат унумдорлиги ко’рсаткичи (бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми) бир ишчига тўғри келадиган йиллик, қунлик ва соатлик иш унумини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилнинг асосий вазифаси корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан салбий боғланиши ҳисобланади. Ўрганиладиган масалаларга қараб молия-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин.

Шу омиллардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги жадвалда «Тошкент ёғ-мой комбинати» Аксиядорлик Жамиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

### 2.3.1-жадвал

#### Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	Ўзгариш суръати 2015й.2014й.га нисбатан %
Активларнинг умумий ўртacha қиймати	Минг сўм	29683506	29744630	100.2
Асосий фондларнинг ўртacha йиллик қиймати	Минг сўм	160296	167728	104.7
Ишчи ходимлар сони	Киши	670	702	104.8
Пул маблағлари	Минг сўм	196447	709280	336
Товар-моддий захиралари	Минг сўм	8750914	6442145	73.6
Дебиторлар	Минг сўм	6019772	7615865	+26.5

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди.

Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, активларининг умумий ўртacha қиймати 2015 йилда 29744630

<sup>7</sup> Shoalimov A.X, Tojiboyeva Sh.A, “Iqtisodiy tahsil nazariyasi” Darslik. :T 2011y. 149bet. / 65-bet.

минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2014-йилда эса 29683506 минг сўмни ташлик қилган ва таҳлил даврида фоиз ҳисобида бу кўрсаткич 100.2% га ошганлигини кўрсатмоқда. Бу ўсиш кўрсаткичи корхонанинг иқтисодий қудратини ошганидан далолат беради. Корхонанинг ишлаб чиқариш фалолиятида асосий рўл ўйнайдиган асосий фондларнинг ўртача йиллик умумий қиймати таҳлил даврида 167728 минг сўмни ташкил қилдан. Фоизда эса бу 104.2 %га занжирли йилга нисбатан ошган. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнатнинг қуролланганлик даражасига яъни ишлаб чиқариш фондлари ҳажмига боғлиқдир. Корхонанинг жами ходимлари сони таҳлил даврида 702 кишини кўрсатди. Бунинг ўсиши 2014-йилга нисбатан 104.7% га ўсганлигини кўриш мумкин. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳоли бандлигининг ошиши долзарб масалалардан бири. Шунинг учун бу ижобий баҳоламоқ керак. Пул маблағлари корхонанинг тўлов вазифасини бажарувчи энг ликвидли восита ҳисобланади. Корхонанинг пул маблағлари 2014-йилда 196447 минг сўмни ташкил қилган бўлса таҳлил даврида бу кўрсаткич 709280 минг сўмни яъни занжирли йилга нисбатан 336% га кўпайган. Бу корхона учун ижобий холат деб баҳоланади.

Корхонанинг Товар-моддий заҳиралари жорий йилда 6 442 145 минг сўмни ташкил қилган. занжирли йилга нисбатан эса 73.6% га камайиш кузатилди. Бу албатта ижобийдир. Ишлаб чиқаиш корхоналарида айланма маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади. Дебиторлик қарзлари корхонага тегишли бўлган маблағларнинг хўжалик оборотидан чиқиб кетиши ва уларни вақтинчалик бошқа субъектлар тасарруфида бўлишини англатади. Биз таҳлил қилаётган корхонада дебиторлар 2015-йилда 6442145 минг сўмни, занжирли йилга нисбатан эса 26.5% га кўпайгани кузатилди. Юқоридаги тарифдан келиб чиқиқан ҳолда бу кўпайишни албатта ижобий

баҳолаймиз. Корхона фаолиятига объектив баҳо беришда, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг айрим босқичларида харажатлар билан натижаларини қиёслашда маълум бир иқтисодий кўрсатгачлардан фойдаланиш керак бўлади. Булар қаторига рентабиллик кўрсатгачлари ҳам киради. (2.3.2-жадал) Рентабиллик – корхоналар тижорат ҳисоби фаолиятининг иқтисодий кўрсатгичларидан биридир. Фойдалилик ишлаб чиқариш фаолиятининг маълум муддати (йил, чорак) давомида сердаромадлик (зарар келтирмаслик) ва кўплаб бошқа хусусиятини англатади<sup>8</sup>.

### **2.3.2-жадвал**

#### **«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятининг рентабиллик кўрсаткичларн таҳлили**

Кўрсатгичлар	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	Ўзгариш суръети. 2015й. 2014й.га нисбатан (+,-)	Ўзгариш фарқи % да
Сотишдан олишан соф тушум	минг сўм	4214343597	60398988	18255391	143.3
Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	минг сўм	33971765	45939004	11967239	135.2
Сотилган маҳсулотдан тушган фойда	минг сўм	8171832	14459984	6288152	176.2
Соликт тулагунгунча бўлган фойда	минг сўм	749958	794649	44691	105.9
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha йиллик киймати	минг сўм	160296	167728	7432	104.2
Айланма маблагларниш ўртacha йиллик колдик киймати	минг сўм	171181744	230571365	59389621	134.6
Сотилган маҳсулот рентабеллеги (7=1/2*100)	%	124	131.1	+7.1	-
Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига кура рентабеллиги (8=3/2*100)	%	24	31.4	+7.4	-
Ишлаб чиқариш фондлари умумий рентабеллиги (9=5/2*100)	%	4.7	3.6	-1.1	-

<sup>8</sup> B.A. Abdukarimov, A.B.Bektemirov, M.Q.Pardayev, Sh.S.Salimov, E.Sh.Shavqiyev, F.B.Abdukarimov. Korxona iqtisodiyoti. Darslik. – T.: “Fan va texmologiya”, 2013y. 368 bet. 275-bet.

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ нинг йиллик ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган.

Маълумотлардан кўриш мумкини, «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг йиллик ҳисоботлари асосида корхонанинг фаолияти натижалари бўйича 2014-йил мобайнида сотилган маҳсулотлар рентабеллиги бўйича +7.1 нисбатга кўпайган бўлса, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи рентабеллигига кўра 7.4 нисбатга ошган, ишлаб чиқариш фондлари умумий рентабеллиги -1.1 нисбатга камайган. 2014 йил холати бўйича тахлил киладиган бўлсак, рентабеллик даражаси ишлаб чиқариш фондлари умумий рентабеллиги пасайланлигини ифодалаган. Шунингдек. 2015 йил маълумотлари бўйича тахлилий нуктаи назардан кўрадиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ижобий натижаларни кўриш мумкин. Бироқ тахлил давридаги барча кўрсатгичларни рентабилликга эришган деб бўлмайди ва буни ижобий деб ҳам баҳолаб бўлмайди.

Корхонада иқтисодий самарадорликни ифодалайдиган яна бир муҳим омиллардан бири, бу корхонанинг асосий воситалариидир.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ давр бевосита ва билвосита бир неча марта қатнашадиган, моддий бойликлар яратишда иштирок этадиган ҳамда табиий шаклини сақлаган ҳолда ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига аста-секин, тузишига қараб ўтказиб борадиган меҳнат воситаларига айтилади.<sup>9</sup>

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичida маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситатардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади.

---

<sup>9</sup> Ortiqov A. Sanoat iqtisodiyoti. Darslik. Toshkent “Sano-standart” 2014. 304betlik. 175-176-betlar.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар уч гурухга бўлинади:  
-асосий воситаларни холатини ифодаловчи кўрсаткичлар;  
-асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;  
-асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

### **Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.**

Асосий воситалар умумий маблағлардаги ҳиссаси, Ав.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади. У қуйидагича аниқланади:

$$AB_x = A_e / B * 100$$

Бунда:  $AB_x$  – асосий воситаларнинг ҳиссаси;  $A_e$  – асосий воситалар;

**B – баланснинг активи:**

$$2014 \text{ йил } 11\ 224\ 094 / 29\ 683\ 506 * 100 = 37 \%$$

$$2015 \text{ йил } 10\ 962\ 319 / 29\ 444\ 630 * 100 = 37.2 \%$$

Асосий воситалар фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши, Авнинг. фаол қисмининг умумий Ав. Сўммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди. У қуйидагича аниқланади:

$$Avf / A_e * 100$$

Бунда:  $Avf$  – асосий воситанинг фаол қисми;  $A_e$  – асосий воситаларнинг жами.

$$2014 \text{ йил } 11\ 224\ 094 / 14\ 376\ 373 * 100 = 78 \%$$

$$2015 \text{ йил } 10\ 962\ 319 / 14\ 320\ 425 * 100 = 76.5 \%$$

Ав.нинг эскириш коефитсиенти, умумий Ав. қийматининг қанча қисми эскириш сўммасига tengligini кўрсатади. У қуйидагича аниқланади:

$$Av.ec / Av$$

Бунда:  $Av.ec$  – асосий воситаларнинг эскириши қиймати;  $Av$  – асосий воситалар.

$2014 \text{ йил } 1919251 / 11\ 224\ 094 = 0.17$  коеф

$2015 \text{ йил } 2239693 / 10\ 962\ 319 = 0.20$  коеф

Асосий воситанинг яроқлилик кoeffитсиенти, умумий Ав. қийматининг қанча қисми қолдик қийматда эканлигини ифодалайди. У куйидагича аниқланади:

### *Авқ.к / Ав*

Бунда: *Авқ.к* – асосий воситалар қолдик қисми; *Ав* – асосий воситалар жами.

$2014 \text{ йил } 11\ 224\ 094 / 14\ 376\ 373 = 0.78 \%$

$2015 \text{ йил } 10\ 962\ 319 / 14\ 320\ 425 = 0.76 \%$

Куйидаги жадвалда асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар жадвалдаги ифодаси ва таҳлили келтирилган.

#### 2.3.3-жадвал

#### **«Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларнинг номи	2014 й.	2015й.	2015 й.да 2014 й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси	37	37.2	0.2
2. Ав. Фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши	78	76.5	-1.5
3. Ав.нинг эскириш кoeffитсиенти	0.17	0.20	0.03
5. Ав.нинг яроқлилик кoeffитсиенти	0.78	0.76	-0.02

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги улуши йилдан йилга ошиб борган ва бу кўрсаткич 2014-йилга нисбатан 0.2 нисбатга ошган. Асосий воситаларнинг фаол қисмининг улуши унинг ўзига нисбатан 76.5 ни,

пасайиш суръатда эса 1.5 нисбатни такил қилган. Бу кичик кўрсаткич бўлсада ижобий баҳоласа бўлади.

Асосий воситаларнинг яроқлилик коеффитсиенти умумий асосий воситалар қийматининг қанча қисми қолдиқ қийматда эканлигини ифодалайди ва бу таҳлил даврида 0.76 коеффитсиентни ташкил қилган. Бу 2014-йилга нисбатан эса -0.02 коеффитсиентга камайган, уларнинг ишдан чиқарилиши эса шунга монан ҳолда камайган. Аблатта ишлатишга яроқсиз воситаларни хўжалик хисобидан чиқиши яхши албатта.

Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги уларнинг бошқа хўжалик реквизитларига нисбани қанча қийматни ташкил этишини ифодаланишини ва бу кўрсаткичлар қуйидаги келтирилган.

Асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.<sup>10</sup>

Ушбу кўрсаткичларни ва формуласаларни биз таҳлил қилинаётган аксиядорлик жамияти маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

Фондлар билан қуролланганлик даражаси, Битта ходимга тўғри келадиган фаол Ав. қийма-тини ифодалайди. У қуйидагича аниқланади:

### ***Aв.ф / Иc***

Бунда: ***Aв.ф*** – фаол асосий восита; ***Иc*** – ишчилар сони.

2014 йил  $11\ 224\ 094 / 670 = 16.7$

2015 йил  $10\ 962\ 319 / 702 = 15.6$

Техник таъминланганлик коеффитсиенти (Кт.т), ишлаб чиқариш ускуналари сўммасининг ишлаб чиқариш ходимлари сонига нисбати. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

### ***И.yс / Иc.и.ч***

Бунда: ***И.yс*** – ишлаб чиқариш ускуналари; ***Иc.и.ч*** – ишлаб чиқариши ходимлари сони.

---

<sup>10</sup> A.X. Shoaliyev, Sh. A. Tojiboyeva “Iqtisodiy tahlil nazariyasi” Darslik. :: T 2011, 149 betlik

2014 йил  $11\ 224\ 094 / 590 = 19.3$  кфст

2015 йил  $10\ 962\ 319 / 622 = 17.8$  кфст

Натижанинг фондлилик даражаси (Фонд сиғими) 1 сүм натижа кўрсаткичига қанча Ав. Сўммаси тўғри келишини кўрсатади. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

### ***Aв/K***

Бунда: *Aв* – асосий воситалар жами; *K* – сотувдан тушган соғ тушум.

2014 йил  $14\ 376\ 373 / 8\ 171\ 832 = 1.76$  кфст

2015 йил  $14\ 320\ 425 / 14\ 459\ 984 = 0.99$  кфст

Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги 1 сўм ўз маблағларига қанча Ав. суммаси тўғри келишини ёки ўз маблағлариниг капиталлашганлик даражасини ифодалайди:

### ***Aв / Ўм***

Бунда: *Aв* – асосий воситаларнинг жами; *Ўм* – ўз маблағларининг манбалари.

2014 йил  $14\ 376\ 373 / 15\ 744\ 278 = 0.92$  кфст

2015 йил  $14\ 320\ 425 / 15\ 996\ 003 = 0.90$  кфст

Қуйидаги жадвалда асосий воситалар билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар жадвалдаги ифодаси келтирилган.

#### **2.3.4-жадвал**

#### **Асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й	2015й	2015 й.да 2014 й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Фондлар билан қуролланганлик	16.7	15.6	-1.1
2.Техник таъминланганлик коеффиценти (Кт.т)	19.3	17.8	1.5
3.Натижанинг фондлилик даражаси(Фонд сиғими)	1.76	0.99	-0.77
4. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. Билан таъминланганлиги	0.92	0.90	-0.02

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фондлар билан куролланганлик даражаси 2014-йилда 16.7 коэффициентни ташкил қилган, таҳлил даврида эса бу 15.6 коэффициентни кўрсатаяпти, пасайиш сурати эса 1.1 нисбатда. Техник таъминланганлик даражаси таҳлил даврида 17.8 коэффициентни ташкил қилиб, 1.5 коефитсиентга пасайган. Асосий воситаларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси эса 2014-йилга нисбатан 0.02 коефитсиентга камайган. Буни эса ижобий баҳолаб бўлмайди.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланилса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади. Унинг таннархи арzonлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади яхлит қилиб айтганда иқтисодий самарадорлик ошади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга; Ав рентабеллиги, Ав даромадлилиги, Ав рентабеллиги коефитсиентлари киради.

Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда сўммасини ифодалайди. У соғ фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик кийматига нисбати билан куйидагича аниқланади:

$$Av.p = C\Phi * 100 / Av_{\text{ж}} \quad (1)$$

Бунда:  $Av.p$  – ав нинг рентабеллиги;  $C\Phi$  - соғ фойда;  $Av_{\text{ж}}$  - асосий воситалар ўрача йиллик қиймати.

$$2014 \text{ йил } 689\,961 * 100 / 11\,224\,094 = 6.2 \%$$

$$2015 \text{ йил } 474\,534 * 100 / 10\,962\,319 = 4.4 \%$$

Асосий воситалар даромадлилиги Ав. ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади. У қуйидагича аниқланади:

$$A\cdot\delta = D * 100 / A\cdot$$

Бу ерда:  $A\cdot\delta$  – ав нинг даромадлилиги;  $D$  – ялти фойда;  $A\cdot$  - асосий воситаларнинг жами

$$2014 \text{ йил } 8\,171\,832 * 100 / 14\,376\,373 = 56.9 \%$$

$$2015 \text{ йил } 14\,459\,984 * 100 / 14\,320\,425 = 101 \%$$

Асосий воситалар натижавийлиги (фонд кайтими), 1 сўм Ав. ўртача қийматига қанча миқдорда натижавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва х.к.) тўғри келишини ифодалайди. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$\Phi_k = K / A\cdot$$

Бунда:  $\Phi_k$  – фонд қайтими;  $K$  - сотилган маҳсулот хажми;  $A\cdot$  - асосий воситаларнинг жами.

$$2014 \text{ йил } 42\,143\,597 / 14\,376\,373 = 2.93 \%$$

$$2015 \text{ йил } 60\,398\,988 / 14\,320\,425 = 4.21 \%$$

Қуйидаги жадвалда асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар жадвалдаги ифодаси келтирилган.

### 2.3.5-жадвал

#### Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2014 й.	2015й.	2015й.да 2014й.га нисбатан фарқи
Ав. Рентабеллиги, %	6.2	4.4	-1.8
Ав. Даромадлилиги, %	57	101	+44
Ав.Натижавийлиги (фонд кайтими)	2.93	4.21	+1.28

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тузилди.

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар жадвалидаги маълумотларидан қўринадики, асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда сўммаси (рентабеллиги) 2014-йилда 6.2%га ошган 2015-йилда эса 4.4 нисбатга камайган. Асосий воситаларнинг 1

сўмига тўгри келадиган даромад сўммасида эса таҳлил даврида 44 нисбатга кўпайган. Буни ижобий бохолаш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўгри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (фод қайтими) сўммасининг ўзгариши ижобий бўлиб, охирги йилда 1.8 ортган. Бу ҳолат албатта ижобийдир.

Корхонанинг айланма маблаглари - унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблаглариидир.

### **2.3.6- жадвал**

#### **Корхонанинг айланма маблағлар таркибининг ҳисоб-китоби (баланс активи бўйича)**

<b>Мол-мулкнин таркиби</b>	2014 йилга		2015 йилга		Ўзгариши		<b>2015й. 2014 йилга нисбатан усиши.%</b>
	<b>Сўмма, минг сўм</b>	<b>Салмоғи %</b>	<b>Сўмма, минг сўм</b>	<b>салмоғи %</b>	<b>Сўмма, минг сўм</b>	<b>Салмоғи %</b>	
<b>1</b>	<b>2</b>		<b>4</b>		<b>6=4-2</b>	<b>7</b>	<b>8=6/2*100</b>
1. Ўзок муддатли активлар	14376373	8.2	14320425	8.8	-55948	0.04	-0.39
2. Жорий активлар Шу жумладан:	15307133	1.6	15124205	1.3	-182928	1.7	-1.2
А) Товар-моддий захиралари	8750914	9.4	6442145	1.8	-2308769	1.21	-26.3
Б) Пул маблаглари ва қисқа муддатли кўйилмалар	536447	.8	1049280	.6	512833	1.8	95.5
В) Дебиторлар	6019772	0.6	7615865	5.8	1596093	-0.34	26.5
Баланс активининг ЖАМИ	29683506	00	29444630	00	-238876	-	-0.80

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган

корхонада ўрганилаётган жорий даврда жами активлар сўммаси 29444630 минг сўмга ёки -0.80% га камайган. Активларнинг камайишини салбий баҳолаган холда маълумотларга эътибор қиласиган бўлсак, активларнинг камайиши асосан жорий активларнинг -182928 минг сўмга камайганлиги ҳисобига бўлган. Корхонанинг узоқ муддатли активлари эса -55948 минг сўмга камайганлигини ижобий баҳолаб бўлмайди. Жорий активларнинг таркибини ўрганадиган бўлсак, жорий 2015- йилда 2014 йилга нисбатан товар-моддий захиралар -26.3% га камайган, яъни -2308769 минг сўмга камайган. Корхонанинг дебиторлик қарзлари ҳам 2015-йилга келиб 26.5% га ёки 1596093 минг сўмга кўпайганлигини салбий баҳолаб булмайди аммо Дебиторлик қарзининг бундай тартибда кўпайиб бориши корхона айланма маблагларининг айланишини секинлаштиради. Тўлов қобилиятини оғирлаштиради. Корхона активлари таркибида товар-моддий захиралари яхшигина ўрин эгалламоқда, яъни у 1.21% нисбати эса -26.3 га тушган. Бу шундан далолат берадики, корхонада товар-моддий захиралар қанча кам бўлса, унинг натижасида корхона жорий активларининг айланishi тезлашади.

Корхона маъмурияти мавжуд активлардан унумли фойдаланиш чораларини кўриши лозим деб хисоблаймиз.

### 2.3.7-жадвал

#### Корхонанинг айланма маблағлар таркибининг хисоб-китоби (Баланснинг пассив қисми бўйича)

Мол-мулкининг таркиби	2014 йилга		2015 йилга		Ўзгариши (+,—)		
	Сумма Минг сўм	Салмоғи %	Сумма Минг сўм	Салмоғи, %	Сумма Минг сўм	Салмоғи, %	2015й. 2014й.га Нисбатан ўсиши %
	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6/2 100
1	15744278	53.05	15996003	54.3	251725	0.8	1.6
1.Ўз маблағларининг манбалари	13939228	46.9	19448627	45.7	-490601	-1.2	-3.51
2.Мажбуриятлар Шу жумладан:							
а)Узок муддатли мажбуриятлар	13939228	46.95	13448627	45.7 01	-4906	-1.2	-3.51
б) жорий мажбуриятлар	29683506	100	29444630	100		-238876	-0.80
Баланс пассивининг ЖАМИ							

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖнинг молиявий хисоботлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, корхонада баланснинг жами пассивлари сўммаси таҳлил даврида 29444630 минг сўмни, басис йилга нисбатан фоизларда -0.8% камайган. Корхонада ўз маблағларининг манбалари жорий йилда 15996003 минг сўмни ташкил қилган. Ўтаган йилга нисбатан ўшиш суръати фоизларда 1.6% га ортган. Ўз маблағларининг кўпайиши корхонага ижобий баҳо беради. Жорий мажбуриятлар ўтган йилга нисбатан -490601 минг сўмга, фоизларда эса бу камайиш -3.51% га тенг бухолни ижобий деб баҳоласак булади. Чунки мажбуриятлар қанчалик кам бўлса, корхона бирор хўжалик ёки молиялаштирувчи ташкилотлардан қанчалик мажбурияти кам бўлса, шунча корхона барқарорлика эришади.

Қуйидаги жадвалда захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларининг етарлилигини аниқлаш услуби келтирилган.

### 2.3.8-жадвал

#### Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганликнинг таҳлили, (минг сўмда)

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	Фарки
1. Ўз маблагларининг манбалари	15744278	15966003	+251725
2. Узоқ муддатли активлар	14376373	14320425	-55948
3. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўз манбалари (1-2)	1367905	1675578	+307673
4. Узоқ муддатли кредит ва карзлар	-	-	-
5. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик ва ўзок муддатли карз манбалари (3+4)	1367905	1675578	+307673
6. Қиска муддатли кредит ва қарзлар.			
7. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	1367905	1675578	+307673
8. Товар-моддий захираларининг жами	8750914	6442145	-2308769
9. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-). (3-8)	-7383009	-4766567	-2308769
10. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз ва ўзок муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (5-8)	-7383009	-4766567	-2308769
11. Товар-моддий захираларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-)(7-8)	-7383009	-4766567	-2308769

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонасининг маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан қўринадики, биз таҳлил қилаётган корхонада хисобот йили бошига нисбатан 2015-йилда +251725 минг сўмга ўз маблағлари манбалари кўпайган. Корхонанинг узоқ муддатли активлари эса 2014-йилга нисбатан -55948 минг сўмга камайган. Корхонада жорий 2015-йилга келиб товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари ҳажми +307673 минг сўмга кўпайган. Ўзлик манбаларнинг кўпайишини ижобий холат сифатида баҳоламоқ лозим.

Корхонада 2014-йилда ва 2015-йилда узоқ муддатли мажбуриятлари бўлмаган. Мазкур корхонада товар-моддий захиралари ҳажми бирмунча юқори бўлганлиги учун жорий 2015-йилда ҳам, 2014 йилда хам товар-моддий захираларини қоплашга ўз манбалари ҳамда ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари 307673 минг сўмг ошган. Бундан қўринадики, корхонанинг

молиявий баркарорлиги жорий йилнинг бошида ҳам, 2015-йилда ҳам барқарор ҳолатда бўлган.

### 2.3.9-жадвал

#### Корхонанинг айланма маблагларини айланиши таҳлили

Кўрсаткичлар номи	2014 йили	2015 йили	Фарқи
1	2	3	4=3-2
1. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўмда	42143597	60398988	+18255391
2. Жами товар — моддий захиралари, минг сўмда	8750914	6442145	-2308769
3. Товар моддий захираларининг (айланма маблагларнинг) айланиш коефитсиенти (1\2)	4.8	9.3	+5.5
4. Товар моддий захираларининг (айланма маблагларнинг) айланиш даври, кун хисобида (2\1)	207	108	-99
5. Айланиш салмоги коефитсиенти (2\1)	0.669	0.524	-0.139
6. Айланишни тезлашиши ёки секинлашишидан маблагларнинг бушашганлиги (-) ёки кушимча (+) жалб килинганлиги: xx а) кун хисобида б) сўммада, минг сўмда -99 * 60398988/360	Xx	xx	-99 16609721.7

Манба: «Тошкент ёғ-мой комбинати»АЖ корхонасининг хисобстлари асосида тузилди.

Айланма маблагларини айланиши таҳлилидан қўриниб турибдик, биз таҳлил қилаётган корхонада жорий йилда махсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори +18255391минг сўмга ортган.

## **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Иқтисодий ҳисоблаш ва таҳлил тажрибасида икки хил самарадорликни фарқлайдилар, биринчи – мутлоқ самарадорлик иккинчиси - қиёсий самарадорлик.

Саноат корхоналари иқтисодий самарадорликнинг даражаси бир-бири билан боғлиқ ўзаро турли хил омиллар таъсири остида яралади.

Тадқиқотнинг таҳлил қисмидан келиб чиққан холда иқтисодий самарадорликни оширишга қуидагича хулосага келдик:

- корхонанинг асосий воситаларидан унумли фойдаланиш;
- корхонанинг айланма маблағларидан самарали фойдаланиш;
- мехнат унумдорлигини ошириш чора тадбирларини қўллаш.

Корхонада мехнат унумдорлиги бундан ҳам юқори қўрсаткичларга кўтариш учун ходимларни моддий рағбатлантириш уни ошириш, натижада иқтисодий-ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда жуда зарур омиллардан бири ҳисобланади.

**III БОБ. “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари**

**3.1 “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлар мавжуд. Барча омиллар уч белгига асосан гуруҳларга бўлинниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

Омилларни иқтисодий самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар комплексидан иборат. Бу йўналишлар ғоят хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуидагилар киради:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооператсиялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш. Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш ва бу тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши

ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши ижтимоий-иктисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилининг роли бекиёсdir. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг кудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илфор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қиласди. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилининг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган итимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.

Пахта саноати корхоналарида иктисодий самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корнанинг иктисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс этиради. Ҳар қандай ишда, жумладан корхоналар фаолиятида самарадорликнинг ижобий натижаларининг мавжуд бўлмаслигини, бошқача қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин. Иктисодий самарадорлигини ошириш — корхона раҳбариятининг доимий

вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади. «Тошкент-ёғ-мой” Аксиядорлик Жамиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш асосий омиллари таҳлил таҳлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда қуйдагилар деб ҳисоблаймиз:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптималь ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;
- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;
- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптималь ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш;
- ичлаб чиқаришга фан-техника тараққиётининг энг илғор ютуқларини жойий этиш;
- асосий воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- меҳнат унумдорлогини ошириш ва ходимлар салоҳиятини яхшилаш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизатсиялаштириш.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар «Тошкент-ёғ-мой” Аксиядорлик Жамиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий бўғинлари ҳисобланади.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгини ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун биринчидан, фан – техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, иккинчидан, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвеститсиялар)ни излаб топиш, учинчидан, замонавий илмий-техникавий ишланмаларга ихтисослашган

илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа муассасалар билан керакли алоқаларни боғлаш, тўртинчидан, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралиигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволютсион равища ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологиялри такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлатиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келади.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитда чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари, янги технологиялар ва сизнги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, мухандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун ижтимоий ва иқтисодий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ав лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишида биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ. Биринчидан, бозор “вакуумини” ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишлиарни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда инқирозга учрашига асос яратади. Шу сабабли барча

турдаги бўғинларда тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қазанишининг гарови ҳисобланади.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллрни, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш услуби ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётiga мос келиши зарур. Масалан, корхона раҳбари билими, тажрибаси ва касбий малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қиласди. Бироқ, бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда янада юқорироқ марраларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

### **3.2. «Тошкент-ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятида ходимларни моддий рағбатлантириш**

Саноат корхоналарида умуман барча корхоналарда меҳнатга ҳақ ва уни рағбатлантириш, иқтисодий самарадорликни оширишнинг энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқсан вақтда рағбатлантириш кўрсаткичлари, шартлари, миқдорлари, мукофотланадиган ходимлар доираси ва унинг даврийлигини назарда тутиш керак.

Белгиланган рағбатлантириш кўрсаткичлари ва шартлари бир-бирига зид бўлмаслиги ҳолда бир кўрсаткични яхшилаш бошқаламинг ёмонлашувига сабаб бўлмаслиги керак. Чунончи, agar меҳнат унумдорлигини ўстириш билан маҳсулот сифатини оширишни бир вақтнинг ўзида рағбатлантириш керак бўлса, рағбатлантиришнинг тегишли шартларини келишиб олиш орқали бу ердаги зиддиятни бартараф қилиш мумкин.

Ходимлар меҳнатда юқори натижаларга эришишдан манфаатдор бўлишини таъминлаш учун рағбатлантириш кўрсаткичининг даражасини ушбу корхонада мазкур кўрсаткични бажариш соҳасида амалда эришилган ўртacha даражасига teng қилиб, ускуналаминг ишлаб чиқариш қувватига, норматив кўрсаткичларга ва шу кабиларга қараб эришилган ўртacha даражадан юқори қилиб белгилаш мумкин.

Рағбатлантириш кўрсаткичи нимага йўналтирилганлигига мувофиқ ҳолда рағбатлантириш нормативини (мукофот миқдорини) ҳам белгилаш керак бўлади. Масалан, режани 100 % қилиб бажарганлик, буюмлами белгиланган ассортиментда чиқарганлик, брак ва рекламатсиялар йўқлиги, ишлар ва хизматлами белгиланган муддатда бажарганлик учун барқарор бўладиган мукофот миқдорини (масалан, ишбай маошга нисбатан 15,0 %, мансаб окладига нисбатан 40,0 % ва ҳоказо) белгилаш мумкин.

Режани ошириб бажарганлик, меҳнат унумдорлигини ўстирганлик, маҳсулот, ишлар ва хизматлар сифатини оширганлик, таннархни камайтирганлик, моддий ресурслами тежаганлик, фойдани ўстирганлик учун мукофотлар миқдори норматив (режадаги) даражага ёки олдинги даврда эришилган даражага нисбатан кўрсаткичининг ҳар бир фоизга (пунктга) яхшиланганлиги учун белгиланади.

Иш ҳақи ва уни доимий ўсиб бориши, корхона ходимларни моддий рағбатлантириш ҳар доим ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади.

Құйдаги жадвалда «Тошкент-ёғ-мой” Аксиядорлик Жамияти ходимларининг барқарор ўсиб боричи иш ҳақи динамикаси келтирилген.

### 3.2.1-жадвал «Тошкент-ёғ-мой комбинати” АЖ 1995-2016 йиллар давомида ўртача иш ҳақининг ўсиб бориш динамикаси.

Йиллар	Ўртача иш ҳақи миқдори.	Олдинги даврга нисбатан (%)
1995 йилда	8497 сўм	100.0
2000 йилда	29822 сўм	3.5
2005 йилда	186173 сўм	6.2
2010 йилда	408068 сўм	2.2
2015 йилда	614001 сўм	150.4
2016 йилда	709546 сўм	115,5

Манба: “Тошкент ёғ-мой комбинати” акциядорлик жамиятининг иш ҳақи ҳисоботлари асосида тузилди.

Маълумки ходимларни рағбатлантиришда иш ҳаки миқдори ва унинг ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эга, Шу жиҳатдан, «Тошкент ёғ-мой”АЖ бўйича ўртача иш ҳақи доимий равишда ўсиб бориш тенденсиясига эга, жумладан 2000-йил 1995-йилга нисбатан қарийиб 3.5 баробарга, 2005 йил эса, 2000 йилга нисбатан 6.2 баробарга, 2010 йил 2005 йилга нисбатан эса 2.2 баробарга ўсганлиги ва нихоят, 2015 йил 2010 йилга нисбатан 1.9 баробарга, фоиз ҳисобида эса 150.4% га ошганлигини аниқланди.

2015-йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.<sup>11</sup>

<sup>11</sup>И.Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркиби ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь, №11 (6164).

Рағбатлантириш даврийлигини (бир ойдаги, чоракдаги натижалар бўйича) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатнинг хусусиятларига, рағбатлантириш қўрсаткичларининг характеристига, тегишли бухгалтерия ва оператив ҳисоблар мавжудлигига қараб белгилаш керак. Асосий фаолият натижалари учун жорий рағбатлантириш чоғида ишчилар учун қоида тариқасида, ҳар ойда рағбатлантириш, раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар учун ҳар чоракда рағбатлантириш жорий этилади. Чунки, улами рағбатлантириш қўрсаткичлари кўпинча чорак ҳисботлари асосида аниқланиши мумкин. Бироқ, тсехларда бундай ходимлар учун тсехнинг бирламчи оператив ҳисботларига асосланган ҳолда ҳар ойда рағбатлантириш ҳам белгиланиши мумкин. Шу билан бирга асосий натижалар учун мукофотлар ёзиладиган фаолият даврлари анча узоқ бўлиши ҳам мумкин: ишлаб чиқариш тсикли узоқ давом этганида, мавсумий ишларда, меҳнатга аккорд усуlda ишбай ҳақ тўлашдан фойдаланилганида, ишлами бажаришнинг конкрет муддати келишиб олинганида бўлиши мумкин.

Хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун ходимларни рағбатлантириш ҳақидаги низомлари ишлаб чиқиш чоғида бир томондан ишчилами, иккинчи томондан эса мутахассислар, хизматчилар ва раҳбарлами рағбатлантиришини ташкил этишда баъзи бир фарқлами ҳисобга олиш керак бўлади. Ишчилами хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун индивидуал тарзда ҳам, жамоа тарзда ҳам рағбатлантириш мумкин.

Индивидуал рағбатлантиришдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш шарт-шароитлари ҳар бир ишчининг бошқалардан мустақил ишлашини олдиндан белгилаб қўйганида, алоҳида қўникмалами, маҳсус ускуналарда ишлай олишни талаб қиласиган ишлами бажарганда, индивидуал меҳнат

натижалари ҳисобга олинадиган бўлганида ва шу кабиларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолларда индивидуал кўрсаткичлар ва рағбатлантириш шартлари бевосита касблар ёки иш турлари бўйича белгиланади, мукофот эса ҳар бир алоҳида ишчининг асосий иш ҳақига ёзилади.

Жамоа рағбатлантиришдан меҳнат ва унга ҳақ тўлаш жамоа усулда ёки индивидуал тарзда ташкил этилганида фойдаланиш мумкин. Ундан кўзланган мақсад ишчилами бригада, участка, тсех ишининг умумий, пировард натижаларидан манфаатдор қилишдан иборат. Мукофот бутун бригаданинг (ёки алоҳида ишчининг) асосий иш ҳақига жамоа рағбатлантириш кўрсаткичлари бўйича ёзилади.

Жамоа мукофот бутун бригадага ёзилади, ходимлар ўртасида асосий иш ҳақига, ишлаган вақтига ҳамда меҳнатда иштирок этиш коефитсиентига қараб, уламинг ҳар бири шахсий меҳнати билан қўшган улушни ҳисобга олиб тақсимланади. Жамоа рағбатлантиришни индивидуал рағбатлантириш билан тўлдириш мумкин. Масалан, мукофот бутун участка бўйича брак нормативини пасайтирганлик учун ва айни вақтда муайян иш жойида индивидуал брак нормативини пасайтирганлик учун тўланиши мумкин. Ишчилами мукофот кўрсаткичлари ва шартлари, уламинг бошланғич даражалари ишчилар меҳнат қилаётган участка, тсехнинг кўрсаткичларига мувофиқ ҳамда ушбу кўрсаткичлар ўзгаришига ишчиламинг таъсир кўрсатиш даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Муайян ишлаб чиқариш шароитларида ва асосан ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ишнинг сифат кўрсаткичлари билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳажмлари ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Ишбай ҳақ тўлаш шакли меҳнатнинг миқдор натижаларини кўпайтиришни бевосита рағбатлантиради ва ушбу

кўрсаткичлар бўйича қўшимча рағбатлантиришни талаб қилмайди. Вақтбай ишловчилами нормалар ва режалар ошириб бажарилганлиги учун рағбатлантиришни ташкил этганда эса бундай рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини вақтбай ишловчилами меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш шаклига ўтказиш имконияти билан таққослаш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳажмларини ва меҳнат унумдорлигини ўстиришдан манфаатдорликни таъминлаш учун қуидагилами билдирувчи рағбатлантириш кўрсаткичларидан фойдаланиш керак: берилган номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши; маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш) норматив ҳажмининг бажарилиши; белгиланган ишлаб чиқариш нормаларининг бажарилиши (ва ошириб бажарилиши); ишлаб чиқариш ва маҳсулот тайёрлаш ҳажмларининг ўстирилиши (қўшимча ўстирилиши); кундалик режа топширигининг бажарилиши (ва ошириб бажарилиши); нормативда белгиланганига қараганда камроқ ишчилар билан иш бажарилиши ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилами рағбатлантириш тизимида режанинг аҳамияти ҳам анча ўзгаради. Режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш фақат корхонанинг ҳуқуқига айланади, унга бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлами ҳисобга олган ҳолда аниқлик киритилиши мумкин.

Шу муносабат билан раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилами рағбатлантиришда асосий йўналиш иш натижалари амалда яхшиланганлиги учун рағбатлантиришдан иборат бўлмоғи керак. Ушбу ходимлар, энг аввало, ўзлари меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш участкасида меҳнат натижалари яхшиланишидан манфаатдор бўлишларини таъминлаш зарур. Шу сабабли улами рағбатлантириш кўрсаткичларида тегишли ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятининг

бевосита натижаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бозор муносабатларида корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва техникавий жиҳатдан такомиллаштириш, шунингдек унинг иштирокчилари оладиган даромадлами кўпайтириш учун маблағлар манбаи сифатида фойданинг аҳамияти анча ошади. Шу сабабли жамоа шартномада ва рағбатлантириш ҳақидаги низомда корхона ихтиёрида қоладиган фойда миқдори ошганида (камайганида) мутахассислар ва хизматчиларга ёзилган мукофот миқдорларининг ошиши ёки пасайишини назарда тутиш мумкин.

Рағбатлантиришнинг конкрет кўрсаткичлари хусусиятларига қараб уларни бошқача йўл билан белгилаш ҳам мумкин: масалан, материаллар, энергия, ёқилғи ва шу кабилами тежаш суммасидан улушлар (фоизлар) ҳисобида белгилаш мумкин. Ишлаб чиқаришда камчиликларга йўл қўйилганида: чиқарилаётган маҳсулот (бажарилаётган ишлар) сифати ёмонлашганида, технология интизоми бузилганида, стандартлар ва техника шартларига риоя қилинмаганида, рекламатсиялар тушганида ёки сифатсиз маҳсулот қайтариб юборилганида, маҳсулот етказиб бериш шартномалари бажарилмаганида ва бошқа ҳолларда - жамоалар ва алоҳида ходимлар мукофотдан бутунлай ёки қисман маҳрум қилиниши мумкин.

Йўл қўйилган камчиликлар рўйхати уламинг ходимлар ўз ишига ҳалол муносабатда бўлганлигини боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Айрим ходимлар ишлаб чиқаришда камчиликларга йўл қўйганларида улами мукофотдан маҳрум қилиш масалалари бевосита меҳнат жамоасида унинг раҳбари томонидан ҳал қилинади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда корхона раҳбари агар конкрет ходим ишлаб чиқаришда жиддий камчиликларга йўл қўйган бўлса, уни жамоа белгилаган мукофотдан бутунлай ёки қисман маҳрум қилиши ёки, аксинча, катта ютуқлари учун жамоа аъзосини қўшимча рағбатлантириши мумкин. Ҳозирги вақтда амал қилиб турган компенсатсия қўшимчалари ва

устамаламинг ҳамма турларини иккита катта гурухга: меҳнат фаолияти соҳалари бўйича чекланмайдиган қўшимчалар ва устамаларга ҳамда муайян меҳнат соҳаларида қўлланадиган қўшимчалар ва устамаларга ажратиш зарур.

Қўллаш соҳаси чекланган қўшимчалар ва устамаларни ўз навбатида уч гурухга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳ - рағбатлантирувчи қўшимчалар. Улардан энг муҳимлари: касблар (лавозимлар)ни қўшиб бажарганлик учун; хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик ёки бажарилаётган ишлар ҳажмини қўпайтирганлик учун; ишга келмаётган ходимнинг вазифаларини бажарганлик учун; ишчиларга касбий маҳорати учун; мутахассисларга меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари ва юқори малака даражаси учун; жаҳон ютуқларига мос маҳсулот салмоғи катта бўлишини таъминлаганлик, маҳсулотни экспорт қилишни анча кенгайтирганлик ҳамда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширганлик учун.

Иккинчи гуруҳ - бажарилаётган ишнинг алоҳида хусусияти билан (мавсумийлиги, узоқдалиги, иш обьекти ноаниқлиги ва шу кабилар билан) боғИик қўшимчалар; график бўйича дам олиш ёки байрам кунига тўғри келган иш кунларида ишлаганлик учун; кўп сменали иш тартиби учун; ишлами ташкил этишнинг вахта усулида иш вақти нормадан ортиқ давом этадиган иш муносабати билан.

Учинчи гуруҳ - нормал меҳнат шароитидан фарқ қиласиган шароитлар учун қўшимчалар: оғир (зараарли) ва ўта оғир (ўта заарарли) меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун; конвеер, оқим ва автомат линиялардаги ишчиларга меҳнатнинг интенсивлиги учун; шахта ва разрезламинг механизатсиялаштирилган забойларида ишчиларига меҳнат интенсивлиги учун; тунги вақтда ишлаганлик учун; метрополитенламинг тоннелларида ва эр ости ҳудудларида фақат тунги

вақтда ишлар бажарғанлик учун; айрим қурилиш объектларида ва фавқулодда вазиятлар туғилиши мүмкін бўлган жойларда оширилган тариф ставкалари ва мансаб окладларини қўллаш; хавфли юклами ташигандик учун.

Рағбатлантирувчи қўшимчалар ва устамалар. Рағбатлантирувчи қўшимчалар ва устамалар рўйхатига назар ташланганида уламинг каттагина қисмини қўллашдан мақсад ходимлар меҳнатини иш куни доирасида касбий (ёки мансаб) соҳани кенгайтириш ҳисобига интенсивлашдан иборат эканлиги маълум бўлади.

Олдинги хўжалик юритиш тизимида ходимнинг иш куни мобайнида нормал (тўлик) иш билан банд қилиш ҳар доим ҳам таъминланавермас эди. Кўпинча, айниқса, вақтбай ҳақ тўлашда, иш билан бандлик 50-60 %ни, ҳатто ундан ҳам камроқни ташкил қиласади. Ишлаб чиқариш юқори даражада ташкил этилмаганлиги корхоналарда ортиқча персонални сақлаб туришни талаб қиласади. Ана шу муаммолами ҳал қилиш воситаси сифатида касблами қўшиб бажарғанлик учун, хизмат қўрсатиш доирасини кенгайтирганлик, кам сонли персонал билан ишлаганлик ва ҳоказолар учун қўшимча ҳақ тўлаш пайдо бўлган эди.

Рағбатлантиришнинг бундай шакли асоссиз равища кенгайиб кетишига йўл қўймаслик учун касбий маҳоратга тўланадиган ҳамма устамаларни ана шу мақсадларга йўналтириладиган маблағламинг тамомила аниқ сўммаси доирасида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

### **3.3. «Тошкент-ёғ-мой комбинати” акционерлик жамиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгрок жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқизозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:


- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

Санаот корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чукур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.



### **3.3.1- расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари**

Манба: Муаллиф ишланмаси асосида тайёрланган.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказилиши ва қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш;
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартериш;
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш;
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш.

Шунингдек, хозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтириш учун моддий ресурслар сарфини камайтириш, улардан самарали фойдаланиш йуналишларини тузиш керак. Олиб борилган тадқиқотлар асосида ва ўтказилган таҳлиллар натижасида

моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини тузишга ҳаракат қилдиқ. Фикримизча улар қуидагилардан иборатдир:

1. Моддий ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни меъёрлаштиришни такомиллаштириш.
2. Ресурсларни тежашга имкон берувчи технологияни жорий этиш.
3. Ишлаб чиқариш чиқиндиларни қайта ишлашини такомиллаштириш.
4. Ишлаб-чиқариш захиралари ва ишлаб-чиқариш муносабатларини энг муқобил даражаси ва нисбатини аниқлаш.
5. Иккиламчи хом-ашёни топиш, тайёрлаш, фойдаланишни ташкил этиш ва режалаштиришни такомиллаштириш.
6. Меъқёрдан ортиқча захираларни оборотга киритиш ва моддий ресурслардан фойдаланишда тезкор мосланувчанлик.
7. Моддий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва рағбатлантиришни такомиллаштириш.
8. Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилишни такомиллаштириш.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг энг мухим йўналишларидан бири моддий ресурсларни меъёрлаштиришни такомиллаштиришdir.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқарish корхоналаридаги ишлаб чиқариш самарадорлигини умумий ҳолатини тавсифлаш учун фаолият рентабеллиги қўрсаткичидан фойдаланиши таклиф қиласиз.

Ушбу қўрсаткичда бозор омилларининг ўзгариши, бозор нархининг ўзгартириш ҳам ҳисобга олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

$$R = \frac{\Phi}{B_m} * 100;$$

Бу ерда :  $R_\phi$ - фаолият рентабеллиги;

Ф- корхона оладиган умумий фойда;

Б<sub>м</sub>- бозор муҳитининг ўзгариши, экологик вазият таъсири ва б.қ.лар.

Σ S –корхона салоҳияти (асосий ва айланма воситалар, ходимлар салоҳияти, ахборот технологиясидан фойдаланиш даражаси ва х.к.лар ).

Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуидаги асосий йўналишларни таклиф қиласиз:

1. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ҳозирги ўзгариб турган бозор шароитига мослаштириш лозим. Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, муҳитга тез мослашувчан бўлишини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Улардаги бошқарув фаолиятини ҳам такомиллаштириш керак. Бошқарув қарорлари қабул қилишда корхонанинг бозор ҳолатини ўрганиш асосида бозор имкониятларини ошириш ҳисобга олиниши лозим.

2. Бизга маълумки, иқтисодий самарадорлик мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражасига қўп жиҳатдан боғлиқ. ишлаб чиқариш корхоналари ўзлари фойдаланилаётган моддий, технологик, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан самарали фойдаланиш йўлларини белгилаши керак.

3. Моддий ресурслар: хом ашё, электроэнергия, ёқилғи ва бошқа хом ашёларнинг сарфлаш меъёрларига қатъий амал қилиш, меъёрлардан ҳам камроқ даражада сарфлаш имконини берувчи тадбирларни тузиш лозим. Хом ашё сарфининг орттишига йўл қўйган ходимларни жазолаш ҳам уларнинг масъулиятини оширади.

4. Технологик ресурслардан интенсив равищда фойдаланишни йўлга қуиши, аввали самара бермаётган, жисмоний ва маънавий эскирган дастгоҳларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш лозим. Қолганларини сифатли тарзда таъмирлаш ва мунтазам унумли ишлаши мақсадида доимий назоратни амалга ошириб бориш керак.

5. Корхона ихтиёридаги молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларни корхона бўлимлари ўртасида тақсимлашда энг

катта самара келтириши мумкин бўлган бўлимларга бериш мақсадга мувофиқдир.

6. Корхонадаги ишлаб чиқариш самараси асосан меҳнат ресурсларига боғлиқдир. Ишловчиларнинг малака ва меҳнат кўникумаларини ошириш орқали меҳнат унуидорлигининг ортишига эришиш мумкин. Улар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш, самарали тарзда меъёрлаштириш, меъёрларнинг бажарилишига эришиш орқали ҳам меҳнат унумдорлигини ортиши мумкин.

7. Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий-хўжалик фаолиятини бозор талаби ва истеъмолчи танловига томон йўналтириш, истеъмолчи истагини ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш самарасига катта таъсир кўрсатади.

8. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини мунтазам равишда камайтириш чора-тадбирларини кўриш. Шартли ўзгармас ҳаражатлардан тежашга алоҳида этибор бериш яхши самара беради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ортиши орқали шартли-ўзгармас ҳаражатлардан бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган қисми учун тежаш мумкин.

Ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларни малакали тарзда жорий этган саноат ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб бораверади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва таннархини пасайтириш самарадорлигини ошириш муаммолари ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларига боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароити деганда ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар йигиндисини тушуниш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларини икки гурух омиллар ёрдамида аниқлашни таклиф қиласиз:

1. Ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.

2. Меҳнат шароитларига таъсир этувчи омиллар.

Ишлаб чиқаришдаги моддий ресурслардан фойдаланишга таъсир этувчи омилларнинг биринчи гурухи моддий ресурслардан фойдаланишни рағбатлантирувчи кўрсаткичлардир. Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи кўрсаткичларни ҳамда режалаштириш тизими니 такомиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги режалаштириш тизимида моддий ресурслардан фойдаланиш, хар бир бирлик хом ашёдан маҳсулот чиқиши фоизи сингари кўрсаткичлар режалаштирилади. Энг асосий холат ҳисобланган – моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш эвазига бериладиган рағбатлар микдори режалаштирилмайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги мураккаб холатда замонавий ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш корхона ва ташкилотлардаги иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш бўйича вазифалар бажарилишини ҳисобга олувчи комплекс кўрсаткичлар орқали аниқланиши ва амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқариш корхоналари ўзларида нархлаштириш дастурини тузишларини ва амалга оширишлари лозим.

Ушбу дастурларда кўйидагиларга амал қилишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳсулотга белгиланаётган нарх ишлаб чиқариш харажатларига йўналтирилиши керак.

2. Нархларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш.

3. Бозордаги ўзгаришларни ҳисобга олиш.

4. Нархнинг ўрни ва ролини туғри тушуниш.

5. Нарх белгилишда маркетинг элементларидан тўғри фойдаланиш.

6. Турли маҳсулоткўпроқларнинг хўусусиятларини ҳисобга олиш.

### **Учинчи боб бўйича хulosалар**

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хulosага келинди:

1. Мехнат унумдорлигини ошириш учун янги техника, технология жараёнларини ва ишлаб чиқаришни ўстириш ёки ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш орқали ҳар бир меҳнатчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш керак бўлади. Бу ҳолда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган иш ҳақи қисқаради, аммо ишчининг умумий иш ҳақи эса ортиб боради. Мехнат унумдорлиги иш ҳақига нисбатан жадал ўсгандагина таннарх пасаяди.

2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишилдир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рафбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз

корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

3. Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказилиши ва қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш;
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш;
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш;
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Олиб борилган таҳлил натижаларига қўра корхона самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

«Тошкент-ёғ-мой” Аксиядорлик Жамияти бошқарув тизимида шакллантирилган ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни корхонага тадбиқ қилиш натижасида ишлаб чиқаришни техник-технологик қайта жиҳозлаш, янги маҳсулот турларини яратиш ва уни молиялаштириш манбаларини қидириб топиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш орқали корхона рақобатбардошлигини оширишга имкон яратади.

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорлигини оширишнинг жуда қўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлар мавжуд. Барча омиллар уч белгига асосан гуруҳларга бўлиниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

Омилларни иқтисодий самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг меҳнат сифими, материал сифими, фонд сифими ҳамда капитал маблағталабликни камайтириш, табиий ресурслардан ратсионал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Лекин бундай таснифлаш талабга жавоб бермайди. Бу саволларга жавоб топиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гурухлаш керак. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар комплексидан иборат.

Бу йўналишлар ғоят хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуидагилар киради:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооператсиялаш, комбинатлаштириш ва худудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш. Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш ва бу тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларидан яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник ва технологик омил меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корнанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс этиради.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуидаги йўллар билан фойдаланиш мумин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизатсиялаштириш, автоматлаштириш ҳамда механизатсиялаштириш;

- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материалларни замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳиссоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Иқтисодий самарадорлигини ошириш — корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади. «Тошкент-ёғ-мой” Аксиядорлик Жамиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш асосий омиллари таҳлил таҳлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда қўйдагилар деб ҳисоблаймиз:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;
- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;
- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш;
- ичлаб чиқаришга фан-техника тараққиётининг энг илғор ютуқларини жойий этиш;
- асосий воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- меҳнат унумдорлогини ошириш ва ходимлар салоҳиятини яхшилаш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш.

Санаот корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

**Биринчидан** – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчидан** – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чукур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказилиши ва қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш;
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш;

- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш;
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтириш учун моддий ресурслар сарфини камайтириш, улардан самарали фойдаланиш йуналишларини тузиш керак.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароити деганда ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар йигиндисини тушуниш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий – иқтисодий шароитларини икки гурух омиллар ёрдамида аниқлашни таклиф қиласиз:

- ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.
- меҳнат шароитларига таъсир этувчи омиллар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ўзларида нархлаштириш дастурини тузишларини ва амалга оширишлари лозим.

Ушбу дастурларда қўйидагиларга амал қилишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

- маҳсулотга белгиланаётган нарх ишлаб чиқариш харажатларига йўналтирилиши керак.
- нархларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиши.
- бозордаги ўзгаришларни ҳисобга олиши.
- нархнинг ўрни ва ролини туғри тушуниш.
- нарх белгилишда маркетинг элементларидан тўғри фойдаланиш.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар «Тошкент-ёғ-мой» Аксиядорлик Жамиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади деган хulosага келдик.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”. 2015-76 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т.: Адолат, 2007.

3. Ш.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли 2017 йил 14январдаги мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуnlари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzаси //Халқ сўзи 2017 йил 15 январь

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

5. молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б. Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

6. И.Каримов 2015-йилда мамлакат иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якуnlари якуnlари ва 2016 йил иқтисодий дасмтурнинг энг муҳим устивор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маъruzаси. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

7. И.Каримов, Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим.

8. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2009 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартағи "2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1306-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабардаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришишнг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПҚ-1442-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4434-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ- 4436-сон Фармони "Ангрен" маҳсус индустрисал зонасини барпо этиш тўғрисида"/Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, № 16, 2012 йил 23 апрель, 5-6 бетлар.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг асарлари**

14. И.А.Каримовнинг 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади./- Тошкент:Ўзбекистон, 2014-646.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш - йўлида. - Т.: "Ўзбекистон", 1995. - 269 б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: "Ўзбекистон", 1997.-326 б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: "Ўзбекистон", 1999.- 48 б.
18. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир/ И.А.Каримов; -Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. 304 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида/ И.А.Каримов. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ислоҳотлар ва Инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг 2000 йил 13 февралдаги йиғилишида қилган маъruzаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 2 февраль
21. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - 96 б.
22. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, молиявий барқарорлик тўғрисида.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-11 бет.
23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2012. 44 б.

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халқиқмиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.

26. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтаридаған йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий — иқтисодий ривожлантиршпнинг устувор йўналишларига бағишлидан Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъруза. - "Халқ сўзи", 2012, 20 январь.

27. Каримов И .А. Бош мақсадимиз кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш// 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлидан Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси. –“Ишонч”, 2013, 18 январь, №8.

28. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганининг 23-йиллигига бағишлидан тантанали маросимдаги маърузаси 05.12.2015 /// ъҲалқ сўзи”, 2015 йил 07-декабрь.

### **Ш. Соҳага оид меъёрий-хукукий хужжатлари.**

29. 2007—2011 Йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори 2007-йил 24-апрел.

30. Ўзбекистон Республикасининг имитиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий хужжатлари тўплами. Тошкент, “Адолат”, 2014 йил.

### **IV.Асосий адабиётлар.**

31. Р.С Муратов, И.А Джалилова, С.Ш. Орипов. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология”, 2014йил, 424 бет

32. Абдурахмонов К.Х., Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). Тошкент. “Меҳнат”- 2010.
33. 15. Э. Эгамбердиев. Микроиқтисодиёт. Дарслик, Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриён манбаа ижодий уйи, 2005й 304 бет./ 254-256-бетлар.
34. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. .: Тошкент “Саностандарт” 2014й. 304 бет. / 108-109-бетлар.
35. Б.А. Абдукаримов, А.Б.Бектемиров, М.Қ.Пардаев, Ш.С.Салимов, Э.Ш.Шавқиев, Ф.Б.Абдукаримов. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013й. 368 бет. / 171-бет
36. Ш.Ш. Шодмонов, У.В. Ғуломов. “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. -Т.: “Фан ва технология” нашриёти 2005. 784 бет . 230-бет
37. Шоалимов А.Х, Тожибоева Ш.А, “Иқтисодий таҳлил назарияси” Дарслик. .Т.: 2011й. 149бет. / 65-бет.
38. Абдукаримов Б.Х. ва бошқалар. Молиявий ҳисботни ўқиши ва таҳлил қилиш йўллари. -Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1997.
39. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили. -Т.: Шарқ, 2005 й.
40. Хамидулин М. Инновациялар ва инновацион жараён: масаланинг мазмун-моҳияти хусусида. “Пул кредит банк”, №2, 2012.
41. Абдурахмонов К-Х Холмуминов Ш.Р “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” (ўкув. қўл) Т.:2004

#### **V. Қўшимча адабиётлар.**

42. Алле М. Глобализация разрешение условий занятости и экономического роста. - М.: ТИeC, 2003.
43. Ирматов М., Хайдаров М. Ижтимоий-штисодий ривожланишни прогнозлаш, Укув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшумаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

44. Рязанцев Д. Зарплата и кадры Секреты работы. - СПб.: БХВ-Петербург, 2004.

45. Хайдаров М., Каланова М. Макроиктисодий тахлил, ўкув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшумаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

46. Т. Ахмедов., В. Батурина. Конкурентоспособность продукции промышленного комплекса Узбекистана // «Экономический вестник Узбекистана», №8-9, 2003, стр. 5

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тупламлар ва хисоботлар**

47. Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитаси маълумотлари

48. Ўзбекистоннинг саноати 2014. Статистик тўплам. - Т.: 2014й.

49. «Тошкент-ёғ-мой” Акциядорлик Жамияти йиллик хисобот материаллари.

50. “Тошкент ёғ-мой” жамиятининг 2017 йилга бизнес режаси маълумотлари.

#### **VII. Интернет сайtlари**

51. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портал;

52. [www.sbu.uz](http://www.sbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки портал;

53. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz) – Қарорлар, Қонунлар, Фармоишлар, Йўриқномалар

54. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) Таълим портал.

55. [http:// www book.ru](http://www.book.ru) Китоблар тўплами.